

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

ФИРИБГАРЛИК

ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ, ТЕРГОВ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ
САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
БАРГАРАФ ЭТИШ

АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

М а с ъ у л м у х а р р и р
юридик фанлар доктори Д. М. Миразов

М у а л л и ф л а р :

Д. М. Миразов, Б. Э. Закиров, Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мамасолиев,
С. М. Селиманова, Ж. С. Мухтаров, М. М. Каландаров, О. Д. Алланазаров,
А. Ж. Хусанов, М. Р. Чутбаев, Б. Ф. Алимов, С. М. Низамов,
Б. А. Муминов

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Малака ошириш факультети
кафедра бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент **О. А. Камалов;**
Тошкент шаҳар ИИББ Тергов Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
подполковник **Пулатов А. Х.**

Ф – 67 **Фирибгарлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Б. Э. Закиров, Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 102 б.**

Ушбу амалий-услубий қўлланмада фирибгарлик жиноятини фош этиш, тергов қилиш ва мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек ушбу турдаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш, кечиктириб бўлмас ва кейинги тергов ҳаракатлари ҳамда фирибгарлик жиноятларининг профилактикасини амалга ошириш борасида амалий маълумотлар ва тавсиялар берилган.

Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашни амалга оширувчи амалиёт ходимлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, шунингдек, тингловчи ва курсантларга мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)93/94я73

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишга асосланган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, авваламбор, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти негизида фуқароларнинг иззат-нафси ва кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мол-мулкани ҳимоя қилиш ётиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жинойий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган... Хусусан, ўғирлик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган» деган танқидий фикрларни билдирган эди¹.

Ҳозирги кунда фирибгарлик жиноятларининг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани, баъзи жиноятчилар уни касб қилиб олгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, фирибгарлик жиноятларининг 30 фоизга яқини аёллар томонидан содир этилмоқда (масалан, Фарғона вилоятида яшовчи, 1967 йилда туғилган фуқаро Ш. А. Айни шу жинояти учун жами 23 маротаба судланган).

¹ Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: www/uza.uz.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати мажлисларида сўнги вақтларда фирибгарлик жиноятларининг сони кўпайиб бораётгани ва уни содир этишнинг янги шакллари қўлланилаётганига эътибор қаратилиб, бу турдаги жиноятларга қарши кураш жуда суст кечаётгани таъкидланмоқда.

Бунга сабаб фирибгарлик жиноятларини фош этиш ҳамда тергов қилишда ички ишлар органлари ходимлари қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мавжуд куч ва воситаларидан етарлича фойдалана олмаётганлигидир. Натижада жиноятчилар жазо ва жавобгарликдан қўрқмасдан бундай жиноятларни янада кўпроқ содир этишиб, жисмоний ва юридик шахсларга жуда катта миқдорда моддий зарар етказмоқда.

Ушбу жиноятга оид статистик маълумотларнинг таҳлили республикада фирибгарлик жиноятларининг содир этилиши 2016 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,1 фоизга ошганлигини кўрсатмоқда.

Шу боис ички ишлар идораларининг асосий вазифалари қаторида фирибгарлик жиноятларига муросасизлик, уларни фош этиш ва жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш, етказилган зиённи бартараф этиш мақсадида терговчилар, жиноят қидирув бўлинмаларининг тезкор вакиллари, профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистика хизмати мутахассислари ва бошқа хизматларнинг ходимлари ҳамкорликда фаолият юритишини тақозо этади. Айнан шунинг учун фирибгарлик жиноятларини содир этган шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини таъминлаш, жабрланувчиларга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эришиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш мақсадида ушбу амалий-услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Унда фирибгарлик жиноятини фош этиш, тергов қилиш ва бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, улар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш, кечиктириб бўлмас ва кейинги тергов ҳаракатлари ҳамда фирибгарлик жиноятларининг профилактикасини амалга ошириш борасида амалий маълумот ва тавсиялар берилган.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Фирибгарлик ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ва расмийлаштириш хусусиятлари

Фирибгарлик жиноятларида жиноятдан жабр кўрган шахслар фирибгарлар таъсирига ўзларининг ишонувчанлиги, қонунни яхши билмаслиги ва энг асосийси, ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан тезроқ эришишни хоҳлаганликлари учун тушиб қоладилар. Улар ўзларининг алданганликларини кейинроқ англаб етадилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишдан олдин бир неча бор фирибгарга қўнғироқ қиладилар, уй ёки иш жойига бориб, у билан мулоқот қиладилар, фирибгарнинг ваъдалари пуч эканлиги, бажарилмаслиги, унга берилган моддий бойликлари қайтарилмаслигини тушунганларидан кейингина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қиладилар. Тегишли идораларга кеч мурожаат этиш уни очиш ва у бўйича терговга қадар текширув ўтказишга салбий таъсир кўрсатади.

2013-2017 йилларда содир этилган фирибгарлик жиноятлари ҳақида келиб тушган аризаларнинг таҳлили ҳозирги кунда фирибгарлик жиноятлари асосан қуйидаги шакл ва соҳаларда содир этилаётганлигини кўрсатди:

- 1) автосалонлардан навбатсиз автомашина олиб беришни ваъда қилиш;
- 2) қарз олди-берди муносабатлари;
- 3) ўқув юртларига киритиш масаласи;
- 4) кредит олиб бериш;
- 5) ишга жойлаштириб қўйиш, юқори лавозимга тайинлашда ёрдам беришни ваъда қилиш;
- 6) пластик карточкалардаги пулларни нақдлаштириб бериш;
- 7) паспорт бўлимларидан чет элга чиқиш учун рухсатнома (виза)лар олиб беришни ваъда қилиш;
- 8) хорижий давлатларга ишга юборишни ваъда қилиб улардан моддий қимматликлар олиш;
- 9) тилла буюмлар олди-бердиси билан боғлиқ;
- 10) уй-жой олди сотдиси, ҳадя, мерос ва бошқа битимлар билан боғлиқ;

- 11) тендер ёки ким ошди савдосида кўчмас мулк олиб бериш;
- 12) қимматбаҳо, нодир металлларни хонадонлардан алдов йўли билан олиш;
- 13) фол очиб кўйиш;
- 14) ёш қизларни алдаб, тилла тақинчоқларини олиб кетиш;
- 15) қалбаки ҳужжатлар орқали хизмат кўрсатишни ёки бирор маҳсулотни етказиб беришни ваъда қилиб, моддий бойликларни қўлга киритиш;
- 16) турли давлат идораларида хизмат кўрсатишини айтиб, сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, текширув ўтказмаслик эвазига моддий қимматликларга эга бўлиш;
- 17) қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқонларга турли хил минерал ўғитларни арзон нархларда олиб беришни ваъда қилиш;
- 18) фуқаролар билан вилоятларга катновчи киракаш сифатида танишиб, уларнинг пул жўнатмаларини манзилига етказиб беришни ваъда қилиб, ишончига кириб, пулларни олиб, келишилган манзилга етказиб бермаслик ва бошқалар.

Эътиборли жиҳати шундаки, фирибгарлар фуқароларнинг ишончини қозониш учун ўзига тегишли транспорт воситасини кўрсатишади, телефон рақамини ҳам беришади.

Масалан, 2016 йил 8 август кунини ўзини «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими полковник Комилов Акмал» деб таништириб, фуқароларга турли давлат идораларига ишга киритишни ваъда қилиб, алдаш йўли билан ишончига кириб, улардан бунинг эвазига катта миқдорда пул маблағлари олиб, фирибгарлик жиноятларини содир этиб келаётган, 1969 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий-юридик, оилали, муқаддам судланмаган, ишсиз, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида доимий рўйхатда турган Ч.Э. ушланган. Унинг бошқарувида бўлган, Тошкент шаҳар Яшнобод туманида рўйхатда турган, турмуш ўртоғи У.З.нинг номига расмийлаштирилган «KIA» русумли давлат рақами 01 S 692 OA бўлган автомашина кўздан кечирилганида автомашина юкхонасида полковник унвонидаги ҳарбий кийим комплекти ҳамда бир неча шахсларнинг фуқаролик паспортлари, ҳарбий гувоҳномалар, меҳнат дафтарчалари ва дипломларнинг ксероноусхалари, шунингдек икки нафар фуқаронинг шикоят аризалари ҳамда бир дона тилхат борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

Аниқланган маълумотларга кўра, Ч.Э. 2016 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани ҳудудида Тошкент

давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган, Қашқадарё вилояти Китоб туманида яшовчи Х.И.га уни Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташиқи иқтисодий фаолияти миллий банкининг Учтепа тумани филиалига ишга киритишни ваъда қилиб, алдаш йўли билан ишончига кирган ва ундан 2000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган; 2016 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ҳудудида 1993 йилда Самарканд вилояти Иштихон туманида тузилган Н.З.ни Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида жойлашган, ЎЗР ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7551-сонли ҳарбий қисмга ишга киритишни ваъда қилиб, алдаш йўли билан ишончига кирган ва ундан 36 млн. сўм пулини фирибгарлик йўли билан олган; 2016 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ҳудудида 1993 йилда Тошкент шаҳрида тузилган Ж.Х.га Тошкент шаҳар ИИББ ППХга ишга киритишни ваъда қилиб, алдаш йўли билан ишончига кирган ва ундан 4000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олганлиги аниқланган.

Мисоллардан кўриниб турибдики, жиноятчилар ўз мақсадига эришиш учун пухта билимга эга бўладилар ва шу хизмат фаолияти билан чуқур танишиб, олдиндан тайёргарлик кўриб борадилар. Юқорида келтириб ўтилган усулларда содир этилаётган фирибгарлик жиноятларининг аксарияти очилмай қолмоқда.

Лекин ҳанузгача жиноятни фош этишни ташкил қилиш ва тактикаси жиддий муаммолигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2016 йил 7 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ, фирибгарлик тўғрисидаги ариза ички ишлар идоралари тезкор навбатчиси томонидан ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарларни қайд этиш журнали (2-шакл)да рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Фирибгарлик тўғрисидаги аризани жиноятларни ҳисобга олиш китоби (1-шакл)га рўйхатдан ўтказиш масаласи терговга қадар текширув жараёнида ҳал этилади.

Шу билан бирга, ариза ёки хабарни бошқа ҳудудда содир этилганлиги, жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун асослар етарли эмаслиги, бошқа давлат муассасасига мурожаат қилиши кераклиги каби важлар билан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни ички

ишлар органларининг котибиятларида юритиладиган мурожаатларни қайд этиш журналида рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас.

2-§. Фирибгарлик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш хусусиятлари

Фирибгарлик тўғрисида келиб тушган аризани мазмунан кўриб чиқишда терговчи қуйидаги йўналишлар бўйича текширувни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

– аризада кўрсатилган фирибгарлик жинояти ҳақиқатан ҳам содир этилганми;

– аризачи янглишиб, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар натижасида юзага келган зарардан келиб чиққан ҳолда уни жиноят деб ўйлаган ҳолда ариза билан мурожаат қилмаганми;

– аризада баён қилинган фирибгарлик жинояти умуман юз бермаган ва тўхмат қилинаётган бўлиши мумкинми;

– илгари шу ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинганми;

– ҳолатга боғлиқ бошқа эпизодлар ва жабрланганлар мавжудми.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида тергов ишини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи талабларига биноан, қарз олиш-бериш билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлари ўзига хос жиҳатларга эга бўлганлиги сабабли, ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар тергов бошқармаларига жиноят ишини кўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун юборилиши ҳамда улар томонидан ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, тегишли хулоса тасдиқланганидан кейингина жиноят иши кўзғатиш тўғрисида ёзма кўрсатма билан терговчига юборилиши керак.

Айниқса, жабрланувчининг аризасида акс эттирилган важлар фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар доирасига тушадими ёки жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасига тааллуқлими, деган саволга ҳам жавоб бериш керак бўлади. Чунки шахс амалга оширилган муносабатлар натижасида ўзига етказилган зарарни ўз ҳуқуқий билимлари даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаган ва ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳақида мурожаат қилган бўлиши мумкин. Терговчи албатта, бундай ҳолатларда вазиятни тўғри таҳлил қилиши, ҳуқуқий баҳолаши ва қарор қабул қилиши лозим.

Фирибгарлик тўғрисидаги аризаларни текшириш жараёнида терговчи тезкор-қидирув ходими билан яқин ҳамкорликда фаолият юри-

тиши керак. Зеро, фирибгарлик фактини аниқлаш, уни содир этган шахс-ни фош этиш катта куч ва воситаларнинг жамланишини талаб этади.

Фирибгарлик жиноятлари тўғрисидаги аризалар бўйича терговчи ва тезкор ходимлар амалга ошираётган чора-тадбирлар таҳлил қилин-ганида улар томонидан бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйила-ётгани аниқланди. Жумладан:

– жабрланувчи ва гувоҳлар билан батафсил сўровлар ўтказилмаган;
– жиноят содир этилган жой ҳамда унга туташ ҳудудларда жиноятни фош этишга ёрдам берувчи майда тафсилотлар бўйича тўлиқ тезкор текширув тадбирлари ўтказилмайди;

– жиноятчи шахс фойдаланган телефон рақамлари кимнинг номи-га расмийлаштирилганлиги бўйича етарли маълумот тўпланмаган;

– телефон рақами расмийлаштирилган шахслар билан сўровлар батафсил ўтказилмаган, ушбу телефон рақамлари қачон, қаердан ва қайси йўллар билан олингани аниқланмаган;

– жиноятчининг фотороботлари тузилиб, шахсини аниқлаш тадбирларига етарли эътибор қаратилмаган;

– қўшимча кучларнинг имкониятларидан расмийлик учунгина фойдаланилган, уларга мақсадли топшириқлар берилиб, натижаси бўйича ахборот бериш талаб қилинмаган.

Фирибгарлик тўғрисидаги ариза ва хабарлар юзасидан ўтказила-диган терговга қадар текширув босқичида тезкор-қидирув ходими-нинг ҳаракатлари. Фирибгарлик жиноятларини содир этиш усуллари кун сайин ўзгариб бормоқда, шу сабабли бу жиноятларни очиш тактикасини жиноятларнинг содир этилиш усулларида келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фирибгарлик жиноятларини очишнинг дастлабки босқичида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини қўллаш тактикаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни-нинг 14-моддасига асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) жиноятчи шахснинг ташқи кўриниши бўйича;
2) жиноятчи шахснинг кетган йўналиши бўйича;
3) жиноятчи шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмларнинг белгилари бўйича;

4) жиноят содир этиш усули бўйича;

5) жиноятчи шахснинг жабрланувчи билан алоқа ўрнатиш йўна-лиши бўйича;

6) жиноятчи шахс томонидан қолдирилган излар, предметлар ҳамда нарса буюмлар бўйича.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг ташқи кўриниши бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари қуйидагилардан иборат:

– жабрланувчи ва шоҳидлар билан фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг ташқи белгилари (гавда тузилиши, юз тузилиши, тахминий ёши, ҳаракатланишдаги ўзига хослиги ва бошқалар) ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида сўров тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириш;

– қидирув қатнашчиларига фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг ташқи белгилари ҳақида жабрланувчи ва шоҳидлардан олинган маълумотларни етказиш;

– жабрланувчи ва жиноят шоҳидларига ички ишлар органлари ҳисобида турган, муқаддам шу турдаги жиноятни содир этган шахсларнинг фотоальбомини кўрсатиш орқали фирибгарлик содир этган жиноятчининг шахсиятини аниқлаш;

– эксперт-криминалистга жабрланувчи ва шоҳидларнинг кўрсатувлари асосида қидирилаётган шахснинг фотороботини тузиш ҳақида топшириқ бериш;

– жиноятчининг фотороботидан фойдаланиб унинг шахсини аниқлаш мақсадида эксперт криминалистика бўлими имкониятларидан фойдаланиш орқали маълумотлар тўплаш;

– жиноятчининг фотороботи, жабрланувчиларнинг ва шоҳидларнинг кўрсатувларидан келиб чиқиб, тезкор ходимнинг шахсий изкуварлик қобилиятини ишга солиб, жиноятчи пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролар кўп йиғиладиган жойларда (бозорлар, истироҳат боғлари, кафе, барларда ва ҳ.к.) жиноятчини шахсини аниқлаш;

– жиноят содир этилган жойларда ва унга яқин ҳудудларда жиноятчи шахснинг фотороботини фуқароларга кўрсатиш орқали шахснинг айнанлигини аниқлаш ва сўраб-суриштириш.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс кетган йўналиши бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари:

– жиноят қачон содир этилганлиги ҳамда жиноятчи шахс қайси томонга кетганлигини аниқлаш учун жабрланувчи ва шоҳидлардан батафсил сўраб-суриштириш;

– жиноятчини зудлик билан топиб қўлга олиш ҳамда жиноятни «иссиқ изидан» очиш мақсадида жиноятчи кетган йўналишда кинолог ва унинг хизмат итидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплаш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс кетган йўналишда жойлашган хонадонларда яшовчи шахслар билан жиноятчининг белгилари бўйича (уни кўрганлигини аниқлаш мақсадида) сўраб-суриштириш;

– жинойтчи кетган йўналишда жойлашган маиший хизмат кўрса-тиш корхоналарида ишловчи ходимлар ва у ерга келган мижозлар билан, шунингдек, шу йўналишда савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи ва бошқа шахслар билан жинойтчи шахснинг кўриниши бўйича (уни кўрганлигини аниқлаш, кўрган бўлса қачон ва қандай ҳолатда, қайси йўналишда кетганлигини билиш мақсадида) сўров ўтказиш;

– фирибгарлик жинойтини содир этган шахс транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда воқеа жойидан кетган бўлса, у кетган йўналишдаги корхона, муассаса ва ташкилотларга ўрнатилган камералардан қайд этилган ёзувларни олиш ҳамда транспорт воситасининг русуми, ранги, давлат рақами белгиси, асосида унинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида маълумотлар тўплаш.

Фирибгарлик жинойтини содир этган шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмларнинг белгилари бўйича жинойтни фош этиш юзасидан ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари:

– жинойтчи шахс олиб кетган нарса-буюмлар, уларнинг ўзига хос белгиларини жабрланувчидан сўраб-суриштириш орқали аниқлаш;

– нарса-буюмларнинг хужжатлари, хусусий рақами, жабрланувчи уларни қачон ва қаердан олганлиги, ушбу нарсаларни кўрса таний олиши ҳамда бошқа масалалар юзасидан маълумотлар тўплаш;

– жинойтчи шахс томонидан олиб кетилган ҳамда турли жинойий йўллар билан топилган нарса-буюмлар сотилиши мумкин бўлган жойларда тезкор текширув ўтказиш;

– жинойтчи шахс олиб кетган нарса-буюмлар сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин бўлган жойларда сотувчилар ва харидорлар билан сўров ўтказиш;

– заргарлик буюмлари сотилиши мумкин бўлган жойларда сотувчилар ҳамда заргарлик буюмларини ясовчи шахслар билан сўров ўтказиш;

– жинойтчи шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмнинг ўзига хос белгиларри ва хусусий рақамини тегишли тартибда ҳисобга қўйиш;

– олиб кетилган нарса-буюмнинг тури, ўзига хос белгилари, тегишли давлат рақами ва бошқа маълумотлар орқали жинойтчи шахсни аниқлаш ва жинойтини фош этиш мақсадида тегишли хизматларга топшириқлар бериш орқали маълумотлар тўплаш.

Жинойт содир этиш усули бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари:

– жабрланувчи, гувоҳ ва шоҳидлар билан сўров ўтказиш орқали фирибгарлик жинойтини содир этган шахснинг жинойт содир этиш усулини аниқлаш;

– жиноят содир этиш усули бўйича тегишли ҳисоблардан текшириш мақсадида маълумотлар тўплаш;

– жиноят содир этилган жой ва унга туташ ҳудудларда батафсил ҳамда синчковлик билан тезкор текширув ўтказиш;

– муқаддам ушбу усулда жиноят содир этган шахслардан сўраш ҳамда улардан олинган маълумотларни тезкор йўллар билан текшириш;

– муқаддам ушбу усулда жиноят содир этган шахслар билан боғлиқ ахборотни олиш мақсадида маълумот тўплаш;

– муқаддам ушбу усулда жиноят содир этган шахслар орасидан гумон қилинувчилар аниқланса, уларга нисбатан тезкор кузатув ўтказиш.

Жиноятчи шахснинг жабрланувчи билан алоқа ўрнатиши йўналиши бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлар:

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг дастлабки алоқани ўрнатиш йўлини жабрланувчидан сўраб аниқлаш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс уяли алоқа воситаси орқали танишган бўлса, унинг шахсини аниқлаш мақсадида тегишли уяли алоқа компанияларига сўров хатлари юбориш орқали маълумотлар тўплаш;

– телефон рақами кимга тегишлилиги аниқланганидан сўнг телефон рақами эгасининг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш, агарда телефон расмийлаштирилган шахснинг жиноятга алоқадорлиги йўқлиги аниқланса, рақамни қачон, қаердан олганлиги ва кимга симкартани берганлигини аниқлаштириш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс бошқа шахслар орқали жабрланувчи билан алоқа ўрнатган бўлса, улар ўртасида ҳам сўров ўтказиш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс томонидан қўлланаётган танишиш усули орқали содир этилган жиноятлар бўйича маълумотлар тўплаш.

Жиноятчи шахс томонидан қолдирилган излар, нарса-буюмлар бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари:

– жиноят содир этилган жойда ва унга туташ ҳудудларда қиёсий текшириш учун намуналар тўплаш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс томонидан жиноят содир этилган жойда, жабрланувчига бериб кетилган нарса-буюмларда бармоқ излари аниқланса, нарса ва ҳужжатларни текшириш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс томонидан қолдирилган нарса ва буюмларнинг ўзига хослигини, бундай нарсалар қаерларда сотилиши мумкинлигини аниқлаб, ўша жойларда сўров ўтказиш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахс томонидан қолдирилган излар, нарса-буюмлар бўйича ушбу жиноятни содир этган фирибгарнинг шахсини аниқлаш мақсадида маълумотлар тўплаш ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

Тезкор ходимнинг фирибгарлик жиноятларини фош этиш бўйича амалга ошириладиган фаолияти ташкилий ва тактик чора-тадбирлар мажмуи бўлиши лозим. Уларнинг йўналиши, авваламбор, содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини энг майда жиҳатларигача аниқлашга, айниқса жабрланувчи, жиноятни ўз кўзи билан кўрган, терговни қизиқтирувчи маълумотларга эга бўлган шахслар билан батафсил сўров ўтказиш керак.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан фирибгарлик жиноятларини очишнинг дастлабки босқичида тезкор ходимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

– фирибгарлик жиноятини содир этиб, воқеа жойидан яширинган шахснинг телефон рақами жабрланувчига маълум бўлса, уяли алоқа компанияси имкониятларидан фойдаланган ҳолда тегишли маълумотлар тўплаш тадбирларини ўтказиш;

– уяли алоқа компаниясидан олинган маълумотлар асосида шубҳали шахсларни аниқлаш ҳамда улар бўйича маълумотлар тўплаш;

– шубҳали шахслар билан сўров тадбирларини ўтказиш ҳамда улар томонидан берилган маълумотларни текшириш;

– қидирув қатнашчиларига жабрланувчи ва шоҳидлардан олинган фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг ташқи белгилари ҳақидаги маълумотларни етказиш;

– жабрланувчи ва жиноят шоҳидларига ички ишлар органлари ҳисобида турган шахсларнинг фотоальбомини кўрсатиш орқали шахснинг айнанлигини аниқлаш;

– эксперт-криминалистга жабрланувчи ва шоҳидларнинг кўрсатувлари асосида қидирилаётган шахснинг фотороботини тузиш юзасидан топшириқ бериш;

– жиноятчининг фотороботидан фойдаланиб, унинг шахсини аниқлаш мақсадида ЭКБ имкониятларидан фойдаланиш орқали маълумот тўплаш;

– жиноятчи пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда шахсий изкуварлик орқали жиноят содир этган шахсни аниқлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– жиноят содир этилган жойларда ва уларга туташ ҳудудларда фуқароларга жиноятни содир этган шахснинг фотороботини кўрсатиш орқали шахсини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказиш;

– жинойтчи шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмларнинг ҳужжатлари, хусусий рақами, жабрланувчи уларни қачон ва қаердан олганлиги, ушбу нарсаларни кўрса таний олиши ҳамда бошқа масалалар юзасидан маълумотлар тўплаш;

– жинойтчи шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмлар сотилиши мумкин бўлган жойларда тезкор текширувлар;

– жинойтчи шахс томонидан олиб кетилган нарса-буюмлар сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин бўлган жойларда сотувчилар ва харидорлар билан сўров ўтказиш;

– жинойтчи шахсни аниқлаш ва жинойтини фош этиш мақсадида тегишли хизматларга топшириқлар бериш орқали маълумотлар тўплаш;

– жинойт содир этиш усули бўйича тегишли ҳисоблардан текшириш мақсадида маълумотлар тўплаш тадбирини ўтказиш;

– муқаддам ушбу усулда жинойт содир этган шахслардан сўраш ҳамда улардан олинган маълумотларни тезкор йўллар билан текшириш;

– муқаддам ушбу усулда жинойт содир этган шахслар билан боғлиқ ахборотни олиш мақсадида маълумот тўплаш;

– гумон қилинувчи шахслар аниқланса, уларга нисбатан тезкор кузатув ўтказиш;

– фирибгарлик жинойтини содир этган шахс бошқа шахслар орқали жабрланувчи билан алоқа ўрнатган бўлса, улар ўртасида сўров ўтказиш;

– фирибгарлик жинойтини содир этган шахс томонидан жинойт содир этилган жойда, жабрланувчига бериб кетилган нарса-буюмларда бармоқ излари аниқланса, нарса ва ҳужжатларни текшириш;

– фирибгарлик жинойтини содир этган шахс томонидан қолдирилган нарса ва буюмларнинг ўзига хослигини, бундай нарсалар қаерларда сотилиши мумкинлигини аниқлаб, ўша жойларда сўров ўтказиш;

– фирибгарлик жинойтини содир этган шахс томонидан қолдирилган излар, нарса-буюмлар бўйича ушбу жинойтни содир этган фирибгарнинг шахсини аниқлаш мақсадида маълумотлар тўплаш ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

Фирибгарлик тўғрисидаги ариза ва хабарлар юзасидан ўтказиладиган терговга қадар текширув босқичида профилактика (катта) инспекторининг ҳаракатлари. Фирибгарлик жинойти содир этилгани ҳақидаги хабар асосида профилактика инспектори дастлабки терговга қадар амалга ошириши лозим бўлган вазифаларини ўз вақтида ва тўғри ташкил этиши, ҳудудда хизмат қилаётган соҳавий хизмат ходимлари, маҳалла посбонлари ва жамоатчиликни ушбу жинойтни «иссиқ изидан» очиш ишларига жалб эта олиши энг муҳим ишлардан бири-

дир. Айниқса, ушбу жиноятнинг оғир ва ўта оғир, яъни жабрланувчига катта миқдорда зарар етказиш орқали содир этилиши, фуқаролар ўртасида турли тушунмовчиликлар, норозиликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, мазкур турдаги жиноятларни «иссиқ изидан» очиш, жиноятчиларни ўз вақтида ушлаш ҳамда уларни тегишли жиноий жавобгарликка тортилишини ва етказилган зарарнинг қопла-нишини таъминлаш орқали фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва ман-фаатлари ҳимоя қилинади, шу билан бирга уларнинг давлат, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончлари ортади.

Амалиётда фирибгарлик жиноятларидан жабрланган фуқаролар-нинг аксарияти аввало профилактика инспекторига мурожаат қилади. Айнан шунинг учун профилактика инспекторлари бундай аризаларни қонунда белгиланган текширувларни амалга ошириш ва жиноят иши кўзғатиш масаласини ҳал этиш учун навбатчилик қисми орқали ички ишлар органларининг тергов хизматларига топширишлари керак.

Фирибгарлик жинояти содир этилгани ҳақида профилактика инспекторига хабар келиб тушганда, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- шахсни «Фуқароларни қабул қилиш китобига» қайд этиш;
- Рация, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали фирибгарлик жинояти ҳақидаги хабарни ИИБ навбатчилик қисмига етказиш;
- фирибгарлик жинояти бўйича қўшимча маълумотларни аниқ-лаш юзасидан маҳалла посбонларига вазифаларни белгилаб бериш;
- мазкур фактга гувоҳ бўлган ёки маълум бир маънода маълумотларга эга бўлган шахсларни, уларнинг яшаш манзили, исми ва шарифини аниқлаш;
- терговга қадар текширув учун мазкур жиноятни содир этган-ликда гумон қилинаётган шахс ҳақидаги маълумотларни тўплаш, унинг шахсини аниқлаш чораларини кўриш;
- жабрланувчи билан суҳбатлашиш ва бу жараёнда унга қандай зарар етказилганлиги ва нима воқеа содир бўлганини батафсил суриш-тириш, жиноят содир этган шахс ва гувоҳлар ҳақида маълумотлар олиш;
- фирибгарлик жиноятининг жабрланувчиси бўлган фуқародан ариза олиш ва уни ИИБ навбатчилик қисмидаги «Шакл-2» китобига қайд этиш чораларини кўриш ҳамда мазкур ҳолат юзасидан ИИБ бошлиғига ахборот бериш;
- фирибгарлик содир этган шахсни ушлаш чораларини кўриш, қўшимча далилий ашёлар ва маълумотларни аниқлаш;
- тажовуз предмети ўзганинг мулки (пул, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар, кўчмас мулк ва бошқалар) бўлганлиги сабабли, маҳалла

посбонлари ва бошқа махсус тоифадаги шахсларга алоҳида топшириқлар бериш ва мазкур мулк ҳақиқатан ҳам жабрланувчида бўлганлигини аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

– жиноят тугалланган вақтни аниқлаш чораларини кўриш, бунда мулкка бўлган ҳуқуқларни акс эттирувчи қалбакилаштирилган ва бошқа ҳужжатларни аниқлаш ва жиноят ашёси сифатида олиб кўйиш чораларини кўриш;

– жиноят содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш, бунда ёлғон ёки ишончли суиистеъмол қилиш орқали амалга оширилганлигини ўрганиш, яъни жабрланувчининг мулки алдаш йўли ёки ишончли суиистеъмол қилиш орқали талон-торож қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг яшаш манзили, иш жойи ва аввал шуғулланган фаолияти ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш, шу билан бирга фирибгарликни неча киши содир этилганлиги, уларнинг кимлар билан алоқада бўлганлиги ҳақида маълумот олиш;

– фирибгарлик жиноятининг жабрланувчисига етказилган зарар миқдори ҳақидаги маълумотларни тўплаш.

Масалан, 2017 йил 30 март куни соат 15.00ларда, Юнусобод тумани Тошкент халқа йўли кўчасида жойлашган «Малика» савдо мажмуаси қаршисида, 1976 й.т., Сирғали тумани, Ўқитувчилар кўчасида яшовчи З.З., 1983 й.т., Рафиков кўчасида яшовчи И.Х.га Хитой Республикасидан видеоаппаратлар келтириб беришни ваъда қилиб, ишончини суиистеъмол қилган ҳолда 7000000 сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган. З.З.нинг шахси профилактика инспектори томонидан аниқланган ва у ушланган.

Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фирибгарлик жинояти ким томонидан, кимга нисбатан, нима мақсадда, қандай усулда содир этилганлиги ва бошқа жиҳатларига аниқлик киритишга ҳаракат қилиши лозим.

Фирибгарлик тўғрисидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш босқичида криминалист-мутахассиснинг ҳаракатлари. Фирибгарлик жиноятларини фош этиш ва тергов қилишда жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Аксарият ҳолларда жиноятчилар қалбаки ҳужжатлардан фойдаланадилар, ижарага олинган хонадонларда яшайдилар ва ўзлари ишламайдиган корхона, муассаса ва ташкилотни ўзининг иш жойи сифатида жабрланувчиларга кўрсатадилар. Бундай ҳолларда жиноят содир этган шахсларнинг қиёфасини жабрланувчилар ёрдамида тик-

лаш зарур бўлади. Бунинг учун амалиётда фотороботлар тайёрлаш усули қўлланилади.

Мутахассис-криминалистнинг фирибгарлик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш бўйича асосий вазифаларидан бири фирибгар шахснинг ташқи қиёфаси ҳақидаги маълумотлар асосида фоторобот тайёрлашдан иборат. Фирибгарнинг фотосуратлари бўлмаган ҳолларда жиноят содир этган шахснинг ташқи қиёфаси уни кўрган-билган (гувоҳ, жабрланувчи)ларнинг хотираси асосида сўз билан тасвирлаб тикланади ва шу ахборот асосида унинг ташқи тузилишига хос асосий хусусиятларни акс эттирувчи, ҳар хил одамлар юзининг суратидаги қисмлардан олинган (йиғма портрет) сунъий синтетик портрет – фоторобот тайёрланади.

Бу усулнинг мазмуни қуйидагилардан иборат: изланаётган шахсни кўрган-билган гувоҳга турли фотосуратлар кўрсатилади; шулар ичидан ўхшаш бўлган юзнинг қисмлари (кўз, қош, айрим белгилари) ажратилади; уларни ўзаро бирлаштириб, йиғма портрет ишланади. Ҳозирги кунда бундай портретларни тайёрлашда махсус компьютер дастурида мавжуд бўлган (одамнинг юзи, тузилиши белгиларини акс эттирувчи турли тасвирдаги) фотороботлардан фойдаланиш самаралироқдир.

Мазкур портретларни текширишдан олинган маълумот тезкор қидирув фаолияти учун аҳамиятли бўлиб, улар тергов- процессуал ҳаракатлар ўтказилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, ҳар бир шахс ижтимоий ва жисмоний хусусиятларга, алоҳида (индивидуал) белгиларга эга бўлади. Инсоннинг ижтимоий хусусиятларига исм-шарифи, насл-насаби, касб-кори, бошқалар билан муносабати кабилар киради. Жисмоний аломатларига эса жинси, ёши, ташқи қиёфа тузилиши кабиларни киритиш мумкин.

Одамнинг ташқи тузилишини ифода этувчи белгилар унинг сўз билан таърифланган тасвирий портретини ташкил этади. Ташқи қиёфа белгиларига одамнинг умумий гавда тузилиши, бўйи, айрим тана аъзолари (кўл, оёқ, юз, бурун кабилар)нинг ўлчами ва шакли яъни анатомик сифат белгилари- юриш, қадам ташлаш, овоз, нутқ ва турли ҳаракатдаги аломатларидан иборат функционал хусусиятлари киради.

Инсоннинг фото ёки бошқа тасвирлари идентификация объекти сифатида текширилганида, уларда одамнинг акс эттирилган қисмларигина эътиборга олинади. Фотосуратларда инсоннинг бўй-басти акс этган бўлса, белгилар йиғиндиси тўлароқ бўлиб, инсоннинг шахсини аниқлаш учун аҳамиятли бўлади.

Тезкор-қидирув ишларида текширилаётган шахс устидаги кийимнинг хусусиятлари, индивидуал аломатлари, хусусан кийимнинг тури, материал сифати, шакли, бичими, ўлчови, кийимнинг ишлатилиш (эскириш, тўзиш) даражаси, турли моддалардан қолган доғлари ва шу кабилар ҳам идентификация қилишда аҳамиятли бўлиб, зарур маълумотлар олишда ёрдам беради. Кийимлар қаторига одамнинг баъзи тана аъзоларидаги одат бўлиб қолган буюмлар ва тақинчоқлар ҳам киради. Булар қидирилаётган одам билан шахси номаълум мурдаларни идентификация қилишда қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Одамнинг ташқи қиёфасини акс эттирувчи портретлар асосида идентификация қилишда асосан улардаги анатомик белгилар ишлатилади. Процессуал тергов ҳаракати бўлган таниб олиш учун кўрсатишда одамнинг функционал белгилари (юриши, нутқи ва бошқалар) ҳам инобатга олинади.

Инсоннинг ташқи қиёфасига хос белгилар кўпчилик одамларда учраса, индивидуаллаштириш учун аҳамияти кам бўлиб, асосан қайси гуруҳга мансублигини аниқлашга хизмат қилади. Агар тузилишига хос хусусияти кам учрайдиган бўлса, уни индивидуаллаштириш учун аҳамияти катта бўлади. Масалан, гавданинг ташқи тузилишидаги умумий нормадан оғувчи белгилар, хусусиятлар (қошнинг қуюққалин бўлиши, аёлларда лаб усти тукларининг қалин ва узунлиги, сочларнинг оқ бўлиши ва ҳ.к.) фақат айрим шахсларга хос бўлиб, инсоннинг индивидуал хусусиятини (алоҳида белгиларини) тавсифловчи идентификация ўтказишда жуда аҳамиятлидир. Буларга жуда кам, фақат айрим шахсларда учрайдиган туғма нуқсонлар, жисмоний мажруҳлик, жарроҳлик муолажасидан қолган излар (чандиқлар), татуировка ва бошқа аломатлар киради. Мазкур алоҳида гуруҳ белгилари ҳам индивидуаллик хусусиятини тасвирловчи белгилар йиғиндиси билан бирга баҳоланади.

Анатомик белгиларни тавсифлаш инсоннинг қуйидаги умум жисмоний хусусиятларидан бошланади:

– жинси, ёши, антропологик турдошлиги, ташқи кўриниши (осиё миллатига, европа миллатига оид ва ҳ.к.);

– умумий гавда тузилиши, боши, юзи, бўйин, елка, кўкрак қафаси, қўл-оёқлар (улар умумий ўлчов ва шакллари бўйича ўрганилади);

– соч, қош, мўйлов-соқол ўсимлари (соч толаларининг шакли, тузилиши (текис, жингалак; ранги – қора, малла);

– тери қопламасининг ранги (пигментация аломатлари, доғ, нор, холлар борлиги, кўзлар шакли, катта-кичиклиги ва кўз қорчиғининг ранги).

Инсоннинг умумий гавда тузилиши – тўла ёки қотма (озгин); бўйи – баланд, ўрта, паст; бош шакли – катта, ўртача ва кичик; геометрик шакли бўйича думалок, учбурчак, овал каби атамалар билан ифодаланади.

Одамнинг ташқи қиёфаси белгиларининг асосий ўлчов шакллари унинг юз қисмида акс этади: у тўғридан, ёнбошдан (ўнг ва чап) томондан ҳамда қиялаб (ним ёнбош томондан) кузатилади; думалок, учбурчак, овал шаклида, пешона, қош, кўз, бурун, оғиз, энгак қисмлари ҳам катта-ўрта-кичик шакллари бўйича жойлашади ва ўзаро пропорциялари белгиланади.

Тишлар: катталиги бўйича – йирик, майда; жойлашуви бўйича – текис (тўғри) ва қийшиқ (сўйлоқ) бўлиши мумкин. Уларни инсон гапирётган, лаблари ҳаракатланаётган вақтда кузатиш мумкин. Оғиз ва лаб тузилиши ўзаро боғлиқ бўлиб, ўлчами ва шакли бирга тавсифланади; лабнинг қалинлиги, юпқалиги ва ранги алоҳида кўрсатилиши мумкин.

Энгак катта-кичиклиги, шакли бўйича тавсифланади; думалок, учбурчак, олдинга ёки орқага йўналган, бўйи қисмига нисбатан баланд-паст, қаватланган, осилган бўлади. Бўйиннинг узун-калта, йўғон-ингичка, (тўла-семиз, ориқ ва ҳ.к.); елка тузилиши – кенг ёки тор, тўғри-текис ёки қия эканлиги, елканинг орқа томондан кўриниши, гавданинг умумий шаклига нисбатан тўғри ёки букчайганлиги, қўл-оёқларнинг умумий бўйга нисбатан мутаносиблиги (катта-кичик, узун-калта, тўла-ориқлиги ва ҳ.к.) аниқланади.

Функционал белгилар қаторига инсоннинг маълум ҳаракатлари жараёнида ҳосил бўладиган хусусиятлар киради. Мазкур белги аломатлар одамнинг ҳаёти давомида ҳосил бўлиб, кун сайин такрорланиши натижасида одат бўлиб қолади ва айрим сабаблар таъсир этсагина ўзгариши мумкин.

Бу гуруҳдаги белги-аломатлар инсоннинг фаолияти, ҳаракати натижасида ҳосил бўлади ва тавсифлаш инсон гавдасининг юриш-туришидаги умумий ҳолатдан бошланади: гавдани тўғри, чап ёки ўнг томонга, орқага, олдинга оғдирган ҳолда тутиш; тик турганда ёки ўтирган ҳолда ҳам юқоридаги аломатларнинг ҳосил бўлиши.

Қадам ташлаш хусусиятлари одамнинг ўзига хос юриш тезлиги, қадамнинг узунлиги ёки қисқалиги, оёқ кафтининг йўналиши қадам ташлаш жараёнида бош, қўллар ва умуман гавданинг ҳаракати, чайқалиши кабилар билан белгиланади.

Юзнинг юмшоқ мускул тўқималари ҳаракатда бўлиб туриши, тебраниши (мимикаси) инсоннинг ички ҳиссиёти (руҳий ҳолати)дан дарак берувчи аломатдир. Бу белги баъзи одамларда сезиларли даражада

бўлади, баъзиларда эса деярли сезилмайди. Мимика маълум ҳолатларда доимий равишда инсон юзининг (чехрасининг) очиқлиги, унинг хушчақчақлиги ёки жиддийлиги, хафалиги кўринишлари билан боғлиқ.

Инсонга хос сўзлашиш (нутқ) хусусиятлари, функционал белгилар қаторида, бошқаларига нисбатан мустақкам бўлиб, овознинг ўзига хос индивидуаллигида намоён бўлади. Овознинг паст ёки баланд, жарангдор ёки бўғиқ, майин ёки дағал, ингичка ёки йўғон бўлиши сўзлашиш жараёнида товушларни (сўз туркумларини) ифода этишда индивидуал хусусиятларнинг акс этиши (тилнинг чучуклиги, ҳарфларни бузиб ифода этиш, айрим шевага хос сўзларни ишлатиш), сўзлашишда нутқнинг тезлиги, суствлиги, чўзиб, тўхтаб ифода этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Анатомик ва функционал белгиларнинг алоҳида турлари айрим одамларда учрайдиган, кўзга ташланадиган алоҳида белги-аломатлар туркуми ҳисобланади. Буларга инсоннинг ўзига хос туғма ёки ҳаёти давомида ҳосил бўлган жисмоний нуқсонлари, аломатлари мисол бўла олади. Масалан, оёқ-қўллардаги камчилик, яъни касаллик, тери юзасидаги нор, хол, чандиқ, сўғал, чечак касаллиги ва жароҳатдан қолган излар, татуировка (баданга игна билан ёзилган, чизилган ҳарф, сўз ва расмлар), чўлоқланиш, оёқ ёки қўл бармоқларининг умум тузилишидан кўпроқ ёки камроқ бўлиши ва ҳоказо.

Терговга қадар текширувни тамомлаш. Фирибгарлик жинояти содир этилганда, биринчи навбатда жабрланувчи сўров қилинади ва ундан ҳодиса содир бўлган жой аниқлаштириб олинади. Сўнгра жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш, қайд этиш ва олиш мақсадида ҳодиса жойи кўздан кечирилади. Жабрланувчилар фирибгарлардан олган ҳужжатлар, нарсалар, қалбаки пул, турли хатлар, қвитанциялар, паспорт, гувоҳнома, ишончнома топилиши биланок дарҳол кўздан кечирилиши лозим. Бу ўз навбатида, жиноятчининг шахси тўғрисида маълумотлар тўплаш имконини беради.

Одатда, фирибгарлик жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилмайди. Ушбу жиноят иши бўйича «ҳодиса жойи» тушунчаси кенгроқ маънога эга. Фирибгар жабрланувчи билан бир жойда танишиб олиши, бошқа жойда уни алдаши ва учинчи жойда эса ундан пул ёки қимматбаҳо нарсаларни олиб яшириниши мумкин. Терговчи аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда қаерни ва қандай ҳолатларни кўздан кечиришни ўзи ҳал қилади.

Фирибгарлик жинояти содир этилганидан кейин ўтган вақтни инобатга олган ҳолда ҳодиса жойида кўздан кечириш ўтказилиши

мумкин. Ҳар эҳтимолга қарши, фирибгар ва жабрланувчининг охириги учрашган жойи кўздан кечирилгани маъқул.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи унинг умумий ҳолатини бевосита ўрганади, фирибгарлик қаерда содир этилганлиги, жиноятчи бу жойни, кириш ва чиқиш йўлларини олдиндан билган ёки билмаганлигини, ва бошқа шу каби ҳолатларни аниқлайди.

Ушбу турдаги жиноятлар содир этилган жойни кўздан кечиришнинг бошқа турдаги жиноятлардан фарқи шундаки, бу ҳолда фирибгарлар қолдирган қўл изларини қидириб топишда жабрланувчилар иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки улар қандай предметларга қўл урганлигини айтишлари мумкин.

Мутахассис-криминалист ҳодиса жойини фотосуратга олиш қоидаларига асосланган ҳолда фотосуратга ва видеотасвирга туширади. Ҳодиса жойини фото ва видео тасвирга олиш, объектларни танлаш, тасвирга тушириш усуллари ва бошқа тактик масалалар юзасидан эксперт криминалист терговчи билан келишади. Тасвирга олишнинг техник хусусиятларини мутахассис-криминалистнинг ўзи белгилайди.

Ҳодиса жойида фоторобот тузиш имкони бўлса, уни тузиш мақсадга мувофиқ.

Терговга қадар текширув тўпланган материаллар мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноят иши кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш билан якунланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни қайд этиш лозимки, агар аризада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар доирасига кирса, бундай ҳолларда жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим. ЖПК 334-моддасининг иккинчи қисмига асосан келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат ёки уй-жойга оид оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланса, иш кўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозимлиги белгиланган.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

1-§. Фирибгарлик жиноятининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш қоидалари

Фирибгарлик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи. Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали ҳақ тўламай эгаллашда ифодаланиб, бунинг натижасида мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имкон беради.

Фирибгарлик жиноятининг *объекти* – ўзгалар мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқни таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Фирибгарлик жиноятининг предмети: 1) ўзганинг мулки; 2) ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ одатда турли хил ҳужжатларда (масалан, мулкни тасарруф қилишга ҳуқуқ берувчи ишончнома ва ш.к.) мустаҳкамланади.

Фирибгарлик жинояти *объектив томондан* ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда олиш мақсадида қилинган алдов ҳаракатларида ёки шу мақсадда жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритишида намоён бўлади.

Жиноят кодексининг 168-моддаси диспозициясига мувофиқ фирибгарликда *алдаш деганда* айбдор томонидан била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади¹.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, ваколоти, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 июль 8-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. – Т., 2009. – Б. 6.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усуллари қўллаш кабилар киради.

Ишончни суиистеъмол қилиш, фирибгарликнинг иккинчи шаклини ташкил қилади. *Ишончни суиистеъмол қилиш деганда* айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим¹. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш мустақил усул сифатида содир этилган фирибгарликда фаол алдов (ҳақиқатни бузиб кўрсатиш) ҳам, фаол бўлмаган алдов (ҳақиқатни яшириш) ҳам мавжуд бўлмасдан, фақат ўзаро ишончга асосланган муносабатларни суиистеъмол қилиш ҳолати мавжуд бўлади.

Ўзаро ишонч асосидаги муносабатлар натижасида мулк бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилиши, яъни унга бериб қўйилиши ва ҳужжатсиз, шунчаки ишониб топширилиши мумкин.

Жабрланувчининг айбдорга нисбатан ишончли муносабатининг мазмуни, хусусияти, манбаи, сабаблари, муддати ва бошқалар содир этилган қилмишнинг баҳоланишига таъсир қилмайди. Ишончни суиистеъмол қилиш орқали содир этилган фирибгарлик пайтида жабрланувчи ва айбдор хизматдош, таниш, хизмат кўрсатиш муносабати билан ўзаро алоқада бўлган шахс ва бошқалар бўлиши мумкин.

Фирибгарлик жиноятининг зарурий белгиси *мулкдорнинг ўз мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ихтиёрий равишда айбдорга топширишидир*.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун реал имкониятга эга бўлган пайтдан *тугалланган* ҳисобланади.

Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисобварағига келиб тушган пайтдан бошлаб амалда тасарруф қилиш имконига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгасининг ҳисобварағидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг

¹ Ўша манба. – Б. 6.

банкдаги ҳисобварағига ўтказилган пайтдан эътиборан *тугалланган* деб топилиши лозим.

Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки уни тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ – рўйхатга олинган пайтдан; шартнома – тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори – кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор – қабул қилган кундан) *тугалланган* ҳисобланади.

Субъектив томондан фирибгарлик жинояти тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг *субъекти* 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Фирибгарлик жиноятини квалификация қилиш қоидалари. Агар шахс ўзганинг мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шarti билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Айбдорнинг сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиши, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириши, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиш учун сохта корхона (ташкilot) тузиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиши ёхуд уларни нақдлаштириши кабилар ўзганинг мулкини талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлигидан гувоҳлик бериши мумкин. Мазкур ҳолатлар суд шахснинг фирибгарлик содир этишда айбдорлиги тўғрисида олдиндан хулосага келиши учун ўз ўзидан асос бўлмайди, шу туфайли шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт.

Тақдим этувчига бериладиган қимматли қоғозларни, яъни уларни ушлаб турган ҳар қандай шахс уларда тасдиқланган ҳуқуқни амалга ошириши мумкин бўлган қимматли қоғозлар (облигация, акция, тақдим этувчига бериладиган омонат дафттарчаси ёки қонунга кўра, қимматли қоғозлар қаторига киритилган бошқа ҳужжатлар)ни яширин равишда талон-торож қилиш фирибгарлик таркибини ташкил этмай-

ди. Қилмиш бундай ҳолларда ўзганинг мулкани ўғирлаш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ўзганинг пул маблағларини ўғирланган (қалбакилаштирилган) кредит ёки ҳисоб картасидан фойдаланган ҳолда талон-торож қилиш, агар нақд пул маблағлари банкомат воситасида олинган бўлса, ўзганинг мулкани ўғирлаш сифатида баҳоланиши лозим. Бироқ бундай талон-торож қилиш шахс кредит, савдо ёки сервис ташкилотининг ваколатли ходимини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш орқали уни янглиштирган (масалан, савдо ёки сервис марказида товарларга ёки хизматларга ҳақ тўлаш учун банк картасидан фойдаланган ҳолда шахс харид чиптасига картанинг қонуний эгаси ўрнига имзо қўйган ёки унинг номига қалбакилаштирилган паспорт тақдим этган) ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Шу билан бирга давлат томонидан белгиланган ижтимоий тўлов, нафақа, бошқа пул тўловлари (масалан, компенсациялар, суғурта тўловлари)ни олиш учун асос бўладиган ҳолатлар (олувчининг шахси, ногиронлиги, боқимандалиги, уруш ҳаракатларида қатнашганлиги, ишга жойлаштириш имкони йўқлиги, суғурта ҳодисаси рўй берганлиги) мавжудлиги тўғрисида тегишли ҳал қилув қарори қабул қилишга ваколатли ижро ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, муассаса ёки ташкилотларга била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этиш йўли билан олишни ҳам фирибгарлик сифатида квалификация қилиш лозим.

Ижтимоий тўлов, нафақа ёки бошқа пул тўловларини олиш учун қонуний асослар тугаганлиги тўғрисида тегишли органларга қасддан хабар бермай, уларни олишни давом эттирган шахснинг ҳаракатлари ҳам шу тариқа квалификация қилиниши керак.

Фирибгарлик жиноятдан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш жиноятини (ЖК 170-моддаси) фарқлаш лозим. Сўнги ҳолда шахс ўзганинг мулкани бевосита олиб қўймасдан ва унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлмасдан, қонунга (шартномага) кўра, мулкдор эгалиги ёки тасарруфига ўтиши лозим бўлган товар-пул бойликларини ўзлаштиради ва ана шу ҳисобдан бойийди.

Мулкий хусусиятдаги ғайриқонуний фойда олиш мақсадида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш, мисол учун, шахс томонидан қонунчиликда белгиланган тўловларни тўлашдан озод этувчи қалбаки ҳужжатларни тақдим этишда (ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари) ифодаланиши мумкин.

Алдов шахс томонидан ўзганинг мулкани кўлга киритишни осонлаштириш мақсадида ишлатилган бўлиб, мулкни олиб қўйиш жараёнида

мулк эгаси ёки бошқа шахс унинг асл ниятини сезиб қолган, айбдор буни англаса-да, бироқ мулк эгасининг хохиши-эркига зид равишда мулкни олишни ёки ушлаб туришни давом эттирган ҳолларда (масалан, шахс мобиль телефонни унинг эгасидан вақтинча фойдаланиш учун сўраб олиб, сўнгра талон-торож қилинган телефон билан яширинган) қилмиш талончилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилотлар мулкни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик талон-торож қилинган мулк қиймати МЖтК 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган ҳолдагина (жумладан, квалификация белгилари мавжуд бўлганда ҳам) келиб чиқади.

Агар фирибгарлик йўли билан талон-торож қилинган корхона, муассаса, ташкилотлар мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, ушбу қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилса ҳам, агар талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Чунки бунда оз миқдорда талон-торож қилиш неча марта содир этилганлигининг аҳамияти йўқ.

Таъкидлаш жоизки, қонунга кўра, фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-торож қилинган мулк миқдоридан қатъи назар келиб чиқади. Айти пайтда талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этишлари шарт.

Жиноят предмети бўлган мулкнинг қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан қай йўсинда сотиб олинганлигига қараб, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган чакана, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Нарх мавжуд бўлмаганда ва талон-торож миқдори хусусида низо келиб чиққан ҳолларда мулкнинг қиймати эксперт хулосасига асосан аниқланади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 июль 8-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. –Т., 2009. – Б. 11.

Жиноят объекти бўлган мулк қийматини аниқлашда унинг эгаси томонидан харид қилиниши ҳолатларидан, жиноят содир этилган вақтдаги давлат улгуржи нархидан, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Мулк қийматини аниқлаш имкони бўлмаганда у тегишли мутахассислар жалб қилиниб, эксперт хулосасига кўра белгиланади¹.

Айбдор томонидан талон-торожни яшириш мақсадида талон-торож қилинган мулк бошқа, қиймати арзонроқ мулкка алмаштириб қўйилган ҳолларда ҳам қилмиш талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиқиб квалификация қилинади. Бунда талон-торож қилинган мулк ўрнига тақдим этилган мулк қиймати айбдордан моддий зарарни ундириш, шунингдек, жазо тури ва миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

Айбдорнинг ҳаракатларида кўп ёки жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этилиши каби квалификация белгиси мавжудлиги тўғрисидаги масала Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида баён этилган тушунтиришларга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Бир неча эпизоддан иборат ва ягона қасд билан қамраб олинган давомли фирибгарликни содир этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда судлар талон-торож миқдорини жами талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқлашлари керак.

Агар айбдор бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатларини содир этиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкани олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкани кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, қилмиш амалда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъи назар, қасд мазмунидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

Қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, ҳужжат ким томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилганлигидан келиб чиқиб, жиноятлар мажмуи тарзида Жиноят кодексининг 168-моддаси ва 228-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрь 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 172.

Шахс фирибгарлик мақсадида қалбаки ҳужжатдан фойдаланган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, ўзганинг мулкани ололмай ёки мулкка нисбатан ҳуқуққа эга бўлолмай қолган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи тарзида Жиноят кодекси 25-моддасининг иккинчи қисми ҳамда 168-моддаси ва 228-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Мансабдор шахснинг мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида бажара олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий бойликлар олиши, унда мазкур бойликларни эгаллашга қасд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс (шу жумладан, мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа бойликларни аслида бундай нияти бўлмасдан олиб, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар бойликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПК 211-моддасининг 4-бандига кўра, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим (пул ва бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно). Пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчининг фойдасига ундирилади.

Фирибгарликни иқтисодиёт соҳасидаги бир қатор жиноятлардан, шу жумладан, ўзганинг мулкани талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан фарқламоқ лозим.

Фирибгарликнинг ўғрилиқдан (ЖК 169-м.) фарқи шундаки, фирибгарликда айбдор мулкни ўзганинг эгалигидан олиб қўймайди, балки у янглиштирган жабрланувчининг ўзи мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини бериб юборишига эришади.

Товламачилиқдан (ЖК 165-м.) фирибгарлик шу билан фарқланади, товламачилиқда жабрланувчининг иродаси синдирилган бўлади ва у кўрқув таъсирида ҳаракат қилади, фирибгарликда эса алдов натижасида жабрланувчининг эрки янглишади.

Фирибгарлик жиноятдан ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш (ЖК 176-м.) қасд йўналиши ва сохталаштириш хусусияти билан фарқланади. Бунда пул белгиси ёки чет эл валютаси пул айланмасига киритиш учун сохталаштирилади. Қимматли қоғозларни қалбакилаштириш билан боғлиқ фирибгарликда эса (масалан, пул купюрасига бир неча нол рақамларини қўшиб ёзиш, сувенир банкнотларни, банкнот ёки қимматли қоғозларнинг фото, ксероносухаларини ишлатиш ва ҳ.к.) қасд муайян шахсни алдаш ва мулкий фойда олишга қаратилган бўлади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 415-моддаси талабларига риоя этган ҳолда суд айбловни ўзгартириши ва судланувчининг ҳаракатларини қонуннинг бошқа моддаси (қисми, банди)га квалификация қилишга, шунингдек, жиноятнинг айрим эпизодларини (судланувчининг айбига киритилган ҳаракатлардан) қонуннинг у бўйича судланувчига айб эълон қилинмаган моддасига квалификация қилишга ҳақли, башарти янги модда диспозицияси оғирроқ жиноят аломатларини назарда тутмаса ва айблов иш бўйича эълон қилинган айбловдан ҳақиқий ҳолатлари жиҳатидан жиддий фарқ қилмаса.

Шундан келиб чиқиб, фирибгарлик ўзганинг мулкани талон-торож қилиш шаклларида бири эканлигини, ўзганинг мулкани фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун моддалари (қисмлари) санкциялари айнан бир хиллигини инобатга олиб, суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан айбдорнинг ҳаракатларини ЖПКнинг 415-моддасига риоя этган ҳолда Жиноят кодексининг 167-моддасидан 168-моддасига ёки аксинча, қайта квалификация қилишга ҳақли.

Фирибгарлик: а) кўп миқдорда; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Фирибгарлик кўп миқдордаги (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор) мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 168-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Фирибгарликни такрорий деб баҳолаш учун жиноят турли вақтларда, шунингдек камида икки марта содир этилган ва ушбу жиноят учун шахс аввал судланмаган бўлиши ҳамда ушбу жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган бўлиши лозим. Агар шахс илгари содир этган жинояти учун қонуний тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган ёки жавобгарлик муддати ўтиб кетган бўлса, қилмиш такроран содир этилган ҳисобланмайди.

Фирибгарлик жиноятининг хавфли рецидивист томонидан содир этилиши шахс илгари фирибгарлик жинояти учун ҳукм қилинганидан сўнг ушбу жиноят учун судланганлик муддатлари ўтиб кетмасдан, қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан туриб, яна фирибгарлик жинояти содир этганида келиб чиқади.

Фирибгарлик жиноятини такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор илгари тамом бўлган фирибгарлик жинояти ёки унга суиқасд қилганлигининг, жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Иштирокчиликда содир этилган фирибгарлик квалификацияловчи белгиси фақат ушбу белгига лойиқ равишда ҳаракатларни содир этган айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Фирибгарлик жинояти содир этишни олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахсининг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Олдиндан тил бириктириш деганда икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида бевосита жиноят содир этилишидан олдин ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш тўғрисидаги келишувга эришиш тушунилади.

Компьютер тизимига алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кириб пул маблағларини ўзлаштира, қилмиш Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми «г» банди билан квалификация қилинади.

Фирибгарлик: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 168-моддаси учинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Фирибгарлик жуда кўп (энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан кўп) миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Фирибгарлик жинояти содир этилгунига қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларнинг ҳаракатлари, агар унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 168-моддаси учинчи қисмининг «б» банди бўйича квалификация қилинади.

Фирибгарлик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 168-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

2-§. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи

Фирибгарлик деганда ўзгалар мулкани (давлат, жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулкларини) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш тушунилади. Мазкур жиноятни тергов қилиш ўз хусусиятларига эга. Бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, фирибгарлик жиноятининг содир этилиши бошқа жиноятлар содир этилишидан фарқ қилади. Жабрланувчилар фирибгарлар билан муайян вақт (10-15 кун, 1-2 ой) давомида, баъзи вақтларда узокроқ муддат (6 ой ва ундан кўп вақт) давомида ўзаро муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан кейин фирибгарнинг ташқи кўриниши белгилари тўғрисида тўлароқ маълумот беришлари мумкин;

иккинчидан, фирибгар ташқи кўриниши, ўзини тутиши, ақл-фаросати, дунёқараши, фикрлаш доираси ва хулқ-атвори билан бошқа турдаги ғаразли жиноятларни содир этувчи (ўғри, талончи, безори) шахслардан фарқ қилади. У жиноятни содир этишда айёрлик ва чапдастлик қобилиятларини ишлатиб, одамларни ўзига жалб этади, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотади;

учинчидан, фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очик кўнгиллик билдирадилар ва шу билан ўзларининг алданиб қолганликларини сезмай қоладилар.

Фирибгарларни шартли равишда қуйидаги беш гуруҳга бўлса бўлади:

1-гуруҳ – қўнимсиз, доимий равишда кезиб юрадиган –учарлар (гастролёрлар). Улар жиноятни содир этган заҳоти бошқа ҳудудларга ёки республикадан ташқарига яширинадилар;

2-гуруҳ – доимий яшаш ва иш жойи бўлмаган, фирибгарлиги учун бир неча бор судланган шахслар;

3-гуруҳ – майда фирибгарлик содир этадиган шахслар;

4-гуруҳ – ўзларининг енгилтаклиги боис ёки бошқа шахслар ва ҳолатлар таъсирида биринчи марта фирибгарлики содир этган шахслар;

5-гуруҳ – олдин судланмаган, узоқ чўзилган фирибгарликни содир этган шахслар.

Фирибгарликнинг криминалистик тавсифи қуйидаги элементлардан иборат:

– жиноят содир қилингани тўғрисидаги дастлабки хабарлар;

– фирибгар шахси;

– фирибгарликнинг содир этилиш йўли, уни яшириш усуллари ва ўзига хос оқибатлари;

– жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги дастлабки ахборот. Аксарият ғолларда дастлабки ҳужжатлардаги маълумотлар ўзида мазмунан ва ҳажмли тарзда жиноятнинг таркибига оид айрим элементлар жамлаган бўлади.

Фирибгарликдан жабрланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари берган аризаларда, айрим ҳолларда эса давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, корхона ва муассасалардан келиб тушган ҳужжатларда жиноят содир этган шахс тўғрисида муайян маълумотлар қайд этилади. Шу билан бирга, жиноят ҳодисаси, унинг содир этилиш механизми, эпизодлари ва иш учун муҳим бошқа ҳолатлар тўғрисида етарли маълумотлар бўлмайди.

Дастлабки маълумотларни таснифлаш терговчига жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда, содир бўлган воқеанинг тавсифи, жиноятни содир қилиш йўли ва яшириш усуллари, жиноятчининг шахси тўғрисида асосли тусмол (версия)ларни ишлаб чиқишда ёрдам беради, натижада тергов вазиятига тўғри баҳо берилади, унинг йўналишини белгилаш ва фирибгарни излаб топиш ҳамда у «қонунийлаштириб» ўзлаштирган мулкни топишда тўғри йўл кўрсатади.

Фирибгар ва жабрланувчи шахсининг тавсифи. Жиноят содир этиш йўли ва усулини танлашда фирибгарнинг шахси асосий рол ўйнайди.

Бу ҳозирги кун амалиётида яққол кўринади. Фирибгарнинг типик хусусиятлари қандай? Фирибгар ўткир зеҳнли, ўта хаёлпараст ва ривожланган шахс бўлиб, одамлар эътиборини ўзига қаратиш ва уларнинг ишончига кириш қобилиятига эга.

Ташқи кўринишдан фирибгар бошқа жиноятчилар (ўғрилар, талончилар ва ҳ.к.)дан сезиларли даражада ажралиб туради. Фирибгар башанг кийинган, сочига оқ тушган (фирибгарларнинг аксарияти ўрта ёшдаги шахслар бўлади), ўзини катта лавозим эгаси ёки мансабдорлар билан алоқаси бор шахс сифатида танитиб, одамларни ўзига тортишга, қизиқтиришга, ўзини яхши кўрсатишга уста бўлади. У иккиюзламачилик, айёрлик, лаганбардорликни жуда ўрнига қўйиши билан бошқаларнинг ишончини қозонади ва уларга бевосита жабр етказди.

Фирибгарлик қилмишлари жамият учун жуда хавфлидир. Фирибгарларнинг айёрлиги, уздабуронлиги бевосита фирибгарлик жиноятини тергов қилишни қийинлаштиради. Шу боис тергов ва суриштирувни олиб борувчи шахслар фирибгарларга хос жиҳатларни яхши билишлари лозим. Бунинг учун муайян гумонқилинаётган шахс ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларни атрофлича ўрганиш талаб қилинади.

Фирибгарликнинг алоҳида шарт-шароитлари таърифи. Жиноятнинг содир этилиши кўпроқ объектив омилларга боғлиқ. Уларга тажовуз қилинаётган предметнинг хусусияти, тажовуз вақти, жойи ҳамда жиноят содир этилган бошқа объектив шарт-шароитларни киритиш мумкин. Бундай шарт-шароитларга жабрланувчининг шахсига хос хусусиятларни ҳам қўшиш керак. Масалан, фирибгарлар жабрланувчининг турар жойини ва жиноий йўл билан топилган сармояси борлигини билиб олиб, у ерда ноқонуний тинтув ўтказиши мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаракатлари, унинг турар жойи ва тажовуз учун сармоя мавжудлиги фирибгарлик содир қилинишига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Жиноят содир қилиш усули – жиноятчининг тегишли малака даражасини кўрсатади, яъни жиноятни содир этишда қўлланилган услуб, тажовуз қилинган мулк ва унинг эгаси ҳақида маълумотлар жиноятчининг шахсини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Фирибгарлар аксарият ҳолларда жиноий тажовуз объекти сифатида пулни танлайдилар. *Масалан: фуқаро С. Салаев юздан ортиқ автомобилларни Тошкент шаҳрида фуқаролардан ижарага олиб, бошқа вилоятларда яшайдиган шахсларга кейинчалик расмийлаштириб бериш шарти билан сотиб юборган.*

Фирибгарлик кўпинча давлат органларининг биноларига туташ автотураргоҳлар ёки кўчаларда, вокзал ва аэропортларда, дўконларда,

жабрланувчининг яшаш ёки иш жойида, бозор ва бошқа жойларда содир этилади.

Фирибгарлик содир бўлиш жараёнида жабрланувчиларнинг ўзлари кўпинча ўз ҳаракатлари билан жиноят содир этилишига сабабчи бўлиб қоладилар. Фирибгарликнинг келиб чиқишига кўпинча айрим фуқароларнинг бахиллик, очкўзлик, пулга ҳирс кўйиш, тез бойиб кетишга ва бунинг учун маълум имтиёзлар ёки қимматбаҳо нарсаларни ноқонуний ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари сабаб бўлади. Бундай «жабрланувчилар» ўзларига нисбатан фирибгарлик содир этилгани тўғрисида ички ишлар органларига хабар бера олмайдилар, фирибгарлар ҳам бу ҳолатни ҳисобга оладилар ва бу уларга қўл келади.

Жабрланувчининг шахсини ўрганишда жиноят содир бўлишида унинг роли қандай эканлигини ёдда тутиш керак, чунки унда ҳам жиноят содир этиш ёки унга суиқасд қилиш имкони бор.

Жиноятни содир қилиш ва бунинг яшириш усуллари қуйидагича:

– маиший хизмат кўрсатиш ёки савдо соҳасида муайян турдаги товар ёки хизматни арзонроқ етказиб беришни ваъда қилиб, мулкка эга бўлиш;

– қарзга пул олиб, фуқаролар мулкани ўзлаштириш: Бунда фирибгар одатда 3-4 ойга қарз олади ва муддати келиши билан пулни 25-30 % «хизмат учун» қўшимчаси билан қайтаради. Бундай ҳолат бир неча маротаба содир этилади. Вақти келиб фирибгар худди шундай шарт билан жуда катта миқдорда пул қарз олади ва яширинади;

– харидор олмоқчи бўлган мол ўрнига бошқа молни ўтказиш ёки бериш;

– буюмдан вақтинча фойдаланиш баҳонаси билан фуқаролар мулкига эга бўлиш. Бунда фирибгар ишлатиб туриш учун буюмни сўраб олади ва кейин турли баҳоналар билан буюмни қайтармайди;

– ҳақиқий пул ичига сохтасини аралаштириб кўйиш орқали фуқаролар мулкига эга бўлиш;

– ўзини мансабдор шахс сифатида кўрсатиб ва «керакли ёрдамни» бериши мумкинлигини айтиб фирибгарлик қилиш;

– фуқароларнинг мулкани карта ўйинлари ёки «фолбинлик» йўли билан ўзлаштириш. Бу усулни қўллаган фирибгар киши тақдирини олдиндан айтиш учун ундан маълум бир қимматбаҳо буюм беришни талаб қилади. «Фолбин» қимматбаҳо буюмни олиб, қоғозга ўрайди ва у билан «сеҳргарлик» ҳаракатларини бажаради, шу вақтда қоғозни бошқасига алмаштириб, жабрланувчига тутқазади ва қоғозни очмаслик тўғрисида огоҳлантиради, «акс ҳолда менинг сеҳрим таъсир кучини йўқотади», дейди;

– олтинга ўхшаш буюмлар ва оддий шишаларни олмос, тилла буюмларга ўхшатиб ишлаб, харидорларга сотиш. Бу «фармазон» усули деб аталиб, уни кўпинча бир гуруҳ жинойтчилар амалга оширади. Сотувчи кўпинча ўзини ажнабий шахс сифатида таништиради ва ночорликдан ушбу қимматбаҳо буюмни сотишга мажбур бўлганлигини тушунтиради. Бошқа фирибгар «баҳо берувчи заргар» сифатида ўйинга қўшилади, учинчи фирибгар эса ушбу буюмни сотиб олувчи шахс ролини ўйнайди ва паст баҳога ушбу «қимматбаҳо» буюмни сотиб олишга ҳаракат қилади ёки улар олиб-сотар ролларида ўйинга қўшиладилар.

Шундай қилиб, фирибгарлик жинойтини тергов қилишда исботланиши лозим ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга жинойтни содир этиш усули, жинойт содир этилишида жабрланувчининг роли, фирибгарлик жинойтининг содир этилишига имкон яратган шарт-шароитлар киради.

ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Фирибгарлик жиноятини очиш учун тергов-тезкор гуруҳи ташкил этиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш

Фирибгарлик жиноятларини аниқлаш ва фош этиш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни топиш, ушлаш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлаш учун ихтисослашган тергов-тезкор гуруҳининг тузилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ихтисослашган (доимий ҳаракатдаги) тергов-тезкор гуруҳи – маълум бир турдаги жиноятлар содир этилиб, очилмай қолган, жиноятни содир этган шахс номаълум бўлган ҳолларда ушбу жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш учун тузилади. Мазкур тергов-тезкор гуруҳига, идоралараро келишувга кўра ИИБ, МХХ, ФВВ, Божхона хизмати, СВОЖваЖФОДЛҚК ходимлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳини ташкил қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши ҳақидаги қарор бошқарувнинг турли даражаларидаги ички ишлар органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Фирибгарлик жиноятларини тергов қилиш ва фош этиш бўйича тергов-тезкор гуруҳи ИИБ бошлиғининг тегишли буйруғи асосида ташкил этилади.

Тергов-тезкор гуруҳига терговчи раҳбарлик қилади. Тергов-тезкор гуруҳи таркибига киритилган ходимларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил қилишга ИИО бошлиқлари, уларнинг тезкор ишлар ва тергов бўйича ўринбосарлари, тузилмалар бошлиқлари масъул ҳисобланадилар.

Тергов-тезкор гуруҳларининг таркиби ва сони содир этилган жиноятнинг хусусиятлари, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлари ҳамда тезкор-қидирув, илмий-техникавий ва ташкилий фаолиятнинг ҳажми, хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Жиноятни содир этишда жиноятчи шахслар автотранспорт воситаларидан фойдаланганликлари юзасидан олинган дастлабки маълумотлар асосида тергов-тезкор гуруҳи таркибига ЙҚХ ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳига янги аъзоларни жалб қилиш ҳамда таркибидаги аъзоларни алмаштиришга фақат жиноят ишини юритаётган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг қарори асосида йўл қўйилади.

Бундан ташқари тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг биргаликдаги фаолияти учун энг тўғри вариантларни белгилаш терговчининг ташкилий-бошқарув хусусиятига эга энг мақбул қарорлар ишлаб чиқиши ва қабул қилишига бевосита боғлиқ.

Тергов-тезкор гуруҳининг раҳбари терговнинг йўналиши ва боришини белгилайди, уни режалаштиради, гуруҳ иштирокчилари ўртасида ишнинг асосий турларини тақсимлайди, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, ахборот алмашувини ташкил қилади, ишга алоқадор тезкор маълумотлар билан танишади, гуруҳнинг манфаатдор аъзолари билан уларни легаллаштириш ва ишлатиш имкониятларини муҳокама қилади, топшириқ, кўрсатма ва фармойишларнинг ижросини назорат қилади.

Албатта, терговчи тезкор ходим ва бошқа мутахассисларнинг муайян ғоя ва таклифлари, фикрларини тинглаб, тегишли қарорлар ишлаб чиқишда уларни инобатга олади.

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш учун аксарият ҳолларда етарли вақт, зарур ахборот ва уни тезда олиш имкони йўқлиги, вазиятнинг ноаниқлиги ва кўп учрамслиги, кўп ҳолларда экстремал эканлиги тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг қарор қабул қилишда фақат ўз хислатларига таянишининг асосий сабабларидир. Албатта, бунда терговчининг шахси катта рол ўйнайди.

Ташкил этилган тергов-тезкор гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан мазкур гуруҳ ўз фаолиятини аниқ режалар асосида амалга оширишига ҳам боғлиқ.

Режалаштириш деганда тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг келгусида биргаликда амалга ошириладиган ишларининг мақсад ва вазифалари, уларга эришиш усул ва воситалари, шунингдек уларни ажариш кетма-кетлиги ва муддатларини белгилаш борасидаги фикрий фаолиятини тушуниш лозим.

Режа бандларини тузаётганда гуруҳ аъзолари бажариладиган ишларнинг ҳажми, муддати ва уларни бажариш механизми, шунингдек уларнинг хизмат вазифалари ҳисобга олиниши зарур.

Режада қуйидагилар акс этиши керак:

- 1) содир этилган ғайриқонуний қилмиш ҳақидаги объектив ахборот;
- 2) тергов ва тезкор-қидирув тусмолларининг баёни;
- 3) ҳар бир тусмол бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати;
- 4) ушбу ҳолатлар аниқланиши ёки текширилишида ёрдам берадиган зарур тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг рўйхати ҳамда ўтказилиш тартиби;

5) терговчи амалга оширадиган тергов ҳаракатлари рўйхати;

6) тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш орқали аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни (тезкор-қидирув тадбирларининг номи ва ўтказилиш тартиби, тактикаси мазкур режада кўрсатилмайди);

7) белгиланган тадбирларни ижро этишнинг оралик ва якуний муддатлари, ахборот алмашинуви, режага ўзгартиш ва тузатиш киритиш тартиби;

8) режанинг ҳар бир банди бўйича ижрочилар рўйхати.

Терговчи тезкор ходим билан биргаликда тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини режалаштирилаётгани ҳақида жиноятга алоқадор шахслар хабар топиши мумкинлигини ва уларнинг жиноятни яшириш, терговга ҳалақит қилиш, гувоҳ ва жабрланувчиларга таъсир ўтказиш каби ҳаракатлар қилиши мумкинлигини назарда тутиши, бундан терговнинг мақсадларида фойдаланиш йўллари уйлаб қўйишлари керак.

Бунда тергов сирини сақлаш, тезкор маълумотларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик муҳим, чунки терговга қаршилик кўрсатаётган шахслар бундан манфаатдор бўлишлари мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор ходим томонидан режалаштирилади ҳамда амалдаги идоравий норматив ҳужжатлар талаби асосида терговчи билан келишиб олинади. Режалаштирилаётган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг вақти, жойи, уларни тугатиш муддатлари, иштирокчилари бўйича келишиб олишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

Ҳамкорликда тузилган режа тергов бўлинмаси ва тегишли тезкор хизмати раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Терговнинг дастлабки босқичини келишиб олиш ва унга ўз вақтида тузатиш киритиш муҳим, чунки жиноятни «иссиқ изидан» очишнинг муваффақияти, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ва қидириб топиш, жиноят иши бўйича ашёвий далилларни қидириб топиш ана шуларга боғлиқ.

Фирибгарлик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини режалаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:

– мақсадни тўғри қўйиш ва унга эришиш бўйича вазифалар белгилаш;

– юзага келган тезкор вазиятни комплекс таҳлил қилиш;

– воқеалар ривожини илмий асосланган ҳолда башорат қилиш ҳамда тезкор-қидирув ва тергов тусмолларини ишлаб чиқиб асослаш;

– истиқболли ва жорий мақсадларга эришишда режалаштирилаётган тадбирларни бажара олишнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш;

– тергов ҳаракатлари ҳамда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш борасидаги тезкор-қидирув тадбирларини тўғри уйғунлаштириш (қўшиб олиб бориш).

Тергов-тезкор гуруҳ фаолиятини ташкил этишга доир режаларга заруратга кўра турли ўзгартишлар киритилиб бориши мумкин.

Тергов-тезкор гуруҳининг фаолияти ҳар кунги йиғилишларда муҳокама қилиниб, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот эшитилади, қўшимча равишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинади. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятининг таҳлил қилиниши гуруҳ аъзолари ҳаракатларининг мувофиқлаштириб турилиши, маълумотларнинг ўз вақтида бошқа гуруҳ аъзоларига етказилиши уларнинг ҳаракатларида бир-бирини такрорлашнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундай тизим(система)ли моделнинг мазмунига қуйидагилар киритилиши мумкин: содир этилган жиноят бўйича юзага келган тезкор вазиятнинг умумий баҳоланиши, гуруҳ аъзолари учун аниқ вазифалар белгиланиши, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш (сўров ўтказиш), махсус хабарнома (ориентировкалар) тузиш, жиноятчи шахсни «иссиқ изидан» таъқиб қилиш учун гуруҳларнинг куч ва воситаларини ишга солиш, изларни топиш, сақлаб қолиш ва олиб қўйиш, субъектив портретлар тузиш, ҳисоблар (курол, излар ҳисоблари) бўйича текширувлар ўтказиш ва ш.к.

Бундай моделнинг элементларида жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатлари ҳамда далилий ахборот манбаларини аниқлаш, гумон қилинаётган шахсни топиш ва ушлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш чоғида ҳамкорлик субъектларининг ҳаракатларини келишиб олишлари мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Жиноятни «иссиқ изидан» фош этишда олинган дастлабки тезкор маълумотлар қисқа вақтда криминалистик, тезкор-қидирув ва автоматлаштирилган тезкор маълумотлар базасидаги ҳисоблар бўйича текширилиши жуда муҳим.

Мавжуд тезкор ва криминалистик маълумотлар автоматлашган «ДОСЪЕ» (рецидивистлар, гастролёрлар, жиноий муҳит обрўмандлари), «АСИЛ», «АДИТ-СОНДА», «Рақамли буюмлар», «Техпаспорт» ва бошқа ахборот-излов тизимлари (ААИТ)да жамланган. Улардан тўғри ва тез фойдаланилса, жиноятларнинг «иссиғида» очилишини ташкил қилишга кўмаклашиш учун катта имкониятларга эга.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, бундай текширув натижасида мақсадли излов белгилаш, таъқиб этиш, тўсиб ушлаш махсус

режаларини ҳаракатга келтириш кабиларда жиддий кечикиш юз беради. Бу эса одатда жиноятларни очиш ва тергов қилишда салбий натижаларга олиб келади.

Бугунги кунда амалиётда фирибгарлик жиноятларини очишда жабрланувчининг шахсини тўлиқ ўрганиш, уларнинг яқин алоқалари ҳамда жиноят содир этилган вақтда қаерда бўлганлигини аниқлаш мақсадида уяли алоқа операторларининг махсус дастурлари имкониятларидан фойдаланиш ижобий натижа бермоқда.

Шу сабабли ҳам терговчининг тегишли қарорига асосан ахборот маркази ходимларидан ҳам тегишли ходимларни тезкор-тергов гуруҳи таркибига мутахассис сифатида жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида номлари қайд этилган мутахассисларнинг тергов-тезкор гуруҳи штабида доимий ҳозир бўлишлари талаб этилмайди. Бу зарурат бўлганда ортиқча ёзишмаларсиз, керакли маълумотларни қисқа муддат ичида олиш, текшириш, ишлов бериш ва тегишли қарорларни зудлик билан қабул қилиш ва рўёбга чиқариш имкониятини яратади.

2-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Тергов бошланишида фирибгарнинг шахси аниқ бўлмаса, дастлабки тергов ҳаракатларида қуйидагилар амалга оширилади: жабрланувчини сўроқ қилиш, кўздан кечириш, фотосуратлар орқали таниб олиш учун кўрсатиш, гумон қилинувчини ушлаш, сўроқ қилиш, тинтув ўтказиш.

Фирибгарлик жиноятлари бўйича жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда жиноят содир этилишига оид барча ҳолатлар аниқланиши керак. Шунинг назарда тутиш керакки, баъзи ҳолларда жабрланувчилар содир этилган жиноят тўғрисида етарли кўрсатув бермайдилар ва ҳолатнинг муайян жиҳатларини яширишга ҳаракат қиладилар. Терговчи буни эътиборга олиб, у билан психологик алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиши керак ёки жабрланувчи сўроқ вақтида ўзини эркин ҳис этадиган вазият яратиши керак.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишда фирибгарларнинг алоҳида ва кўзга ташланиб турадиган белгиларини аниқлаш муҳим. Баъзи ҳолларда сўроқ қилинувчига шахсларнинг ташқи кўринишини тавсифловчи фотосуратлар кўрсатилиши мумкин. Агар жабрланувчи фирибгарнинг ташқи кўринишига хос белгиларни эслаб қолган бўлса, унинг юз тузилиши белгиларини (анатомик белгиларини) чизиб кўрсатиш таклиф этилади.

Жабрланувчини сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар имкон қадар аниқланиши керак:

- 1) фирибгарлик қачон, қаерда содир этилганлиги;
- 2) жабрланувчи қандай ҳолатларга кўра жиноят содир этилган жойда ҳозир бўлиб қолганлиги;
- 3) фирибгарлар неча киши бўлганлиги, улар ўзларини қандай тутганлиги, бир-бирлари билан қандай муомала қилганликлари;
- 4) жиноятчилар фирибгарликнинг қайси усулларидадан фойдаланганлиги;
- 5) фирибгарлар жабрланувчига қандай нарса ёки ҳужжат берганлиги;
- 6) қандай буюмларни олганлиги;
- 7) содир этилган жиноят тўғрисида жабрланувчи кимга хабар берганлиги.

Нарсалар, ҳужжатлар ва воқеа жойини кўздан кечириш. Жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш, қайд этиш ва олиш мақсадида кўздан кечириш ўтказилади. Жабрланувчилар фирибгарлардан олган ҳужжатлар, предметлар қалбаки пуллар, турли ёзувлар, квитанциялар, паспорт, гувоҳнома, ишончномалар топилган заҳоти кўздан кечирилиши лозим. Бу, ўз навбатида, жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш имконини беради.

Жабрланувчилардан олинган нарса ва ҳужжатлардан фирибгарларнинг бармоқ изларини қидириб топиш мақсадида терговчи уларни диққат билан кўздан кечириши керак.

Фирибгарлик жинояти содир этилганидан кейин ўтган вақтни инобатга олган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш ўтказилиши мумкин. Ушбу жиноят иши бўйича «ҳодиса жойи» тушунчаси кенгроқ маънога эга. Фирибгар жабрланувчи билан бир жойда танишиб олиши, бошқа жойда уни алдаши ва учинчи жойда эса ундан пул ёки қимматбаҳо нарсаларни олиб, яшириниши мумкин. Терговчи аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қаерни ва қандай ҳолатларни кўздан кечиришни ўзи ҳал қилади. Шу билан бирга, фирибгар ва жабрланувчининг охириги учрашган жойи кўздан кечирилиши мақсадга мувофиқ.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи унинг умумий ҳолатини бевосита ўрганади, фирибгарлик қаерда содир этилганлигини, жабрланувчи бу жойни кириш ва чиқиш йўлларини олдиндан билган ёки билмаганлигини ва бошқа шу каби ҳолатларни аниқлайди.

Фирибгарлар қолдирган қўл изларини қидириб топишда жабрланувчилар иштирок этгани маъқул, чунки улар қайси нарсаларга қўл урганлигини айтишлари мумкин.

Фирибгарни ва олиб кетилган мулкни қидириб топиш мақсадида дастлабки тергов билан бир вақтда тезкор-қидирув тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Фирибгарлик жиноятини очиш ва фирибгарларни қидириб топишда кенг жамоатчилик катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Улар фирибгарларни қидириб топишда маҳаллий радио, телевидение ва матбуот орқали чиқишлар қилиш каби турли шаклларда иштирок этишлари мумкин.

Фирибгарларни қидириб топиш асосан махсус тезкор-қидирув гуруҳи томонидан амалга оширилади. Улар дўкон, бозор, вокзал ва метро каби объектларда патрулик қилиб, фирибгарларни кузатадилар. Фирибгарларни қидириб топишда жиноятчининг фотоальбомидан кенг фойдаланилади.

Фирибгар топилганидан кейин уни ушлаш чоралари кўрилади. Улар қўлга олиш вақтида турли ҳийла-найранглар ишлатишлари мумкин. Шу боис уларнинг хатти-ҳаракати зимдан кузатилмоғи керак, чунки улар қочиб кетишлари, жиноят қуроллари, жабрланувчидан олинган пул ва буюмларни отиб юборишлари мумкин. Шу боис фирибгарликда гумон қилинган шахслар ушланган заҳоти дарҳол шахсий тинтувдан ўтказилиши ва ёнидан фирибгарлик билан топилган барча пул ва қимматбаҳо нарсалари олиб қўйилиши шарт.

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Фирибгарлар, одатда, жиноятни жабрланувчидан бошқа шахс бўлмаган шароитда содир этишга ҳаракат қиладилар. Шундай бўлса ҳам, содир этилган фирибгарлик тўғрисида нимадир билиши бериши мумкин бўлган гувоҳларни топиш мумкин. Бу гувоҳлар жабрланувчининг фирибгарга пул ёки бошқа қимматликларни берганлигини ўз кўзи билан кўрган, уларнинг суҳбатини эшитган, фирибгарнинг жиноятни содир этишдан олдинги ва кейинги ҳаракатларини кузатган бўлиши мумкин. Баъзан жабрланувчи билан фирибгар ўртасида битим тузилаётганда жабрланувчига таниш одамлардан айримлари иштирок этишлари ҳам мумкин.

Бундай гувоҳлар кўпинча жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида, жамоатчилик ёрдамида, воқеа жойини кўздан кечириш чоғида ички ишлар органларининг тезкор-қидирув имкониятлари асосида аниқланади. Гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида ушбу жиноят бўйича уларга маълум барча ҳолатлар аниқланади. Айниқса фирибгарнинг ташқи қиёфасидаги белгиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Баъзи вақтларда айбланувчи ва жабрланувчининг шахси тўғрисида ҳамда улар билан ўзининг ўзаро муносабатлари тўғрисида маълумот берувчи гувоҳларни сўроқ қилишга ҳам тўғри келади.

Шунинг учун сўроқ вақтида уларнинг айбланувчига нисбатан қандай муносабати аниқланиши керак.

Гувоҳларни сўроқ қилишда қуйидаги тафсилотлар аниқланиши лозим: айбланувчининг турмуш тарзи; жиноят содир этишдан аввал ишлаган-ишламаганлиги; айбланувчининг бошқа шахслар билан ўзаро муносабати; бўш вақтини ким билан ва қай йўсинда ўтказиши; дўстлари орасида илгари судланганлар бор-йўқлиги; айбланувчининг жинойий фаолияти тўғрисида гувоҳга нималар маълумлиги ва ҳоказо.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларни ушлаш. Фирибгарлик содир этган шахсларни қўлга олиш жиноят-қидирув бўлими тезкор вакиллари томонидан терговчи билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. ЖПКнинг 220-моддасига асосан, ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинойий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Фирибгарлик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлашга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Ушлашга тайёргарлик кўришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: жиноят иши материалларини ўрганиш; ушланиши лозим бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар йиғиш; ушлаш жойи ва вақтини белгилаш; ушлаш амалга ошириладиган жойдаги шароитни ўрганиш; гумон қилинувчиларни бир вақтда ва турли жойларда ушлаш учун уларни бир-биридан ажратиш чорасини кўриш.

Юқорида кўрсатилган жиноятни содир этган жиноятчилар қуролланган бўлишлари мумкин. Шу боис атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлга олишни эрта тонгда ёки тунда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушлашни уйларга кириш йўлагиди, тор кўчада, хиёбонда ва бошқа шу каби жойларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушлашни иш жойида ҳам амалга ошириш мумкин, яъни: гумон қилинувчи бошқарувчининг хонасига ёки бошқа хонага таклиф қилинади ва шу ерда ушланади.

Жинойий гуруҳнинг барча аъзоларини бир вақтда ушлаш фақат бошқа иложи бўлмаган ҳолатларда амалга оширилади. Агар жиноятнинг бир иштирокчиси аниқланган бўлса, унда жинойий гуруҳ қолган аъзоларининг турган жойларини аниқлаш мақсадга мувофиқ, чунки уни дарҳол ушлаш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Ушлашни кечиктириш жиноятчининг кийимида, танасида, уйидаги мавжуд

ашёларда жиноят иши учун муҳим изларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда ёхуд у очикда қолса, бошқа оғирроқ жиноятни содир этиши мумкин бўлган ҳолларда истисно тариқасида ушлаш кечиктирилмай зудлик билан амалга оширилади.

Жиноятчиларни ушлаш учун тайёргарлик кўришда қуйидагилар зарур: қўлга олиш гуруҳининг таркибини аниқлаш (унинг таркибига кузатув, қуршаб олиш, қуролли ҳимоя, ушлаш, захира гуруҳлари киради); мазкур гуруҳни қуроллантириш ва керакли анжомлар, транспорт, зарур ахборот воситалари билан таъминлаш; гуруҳ аъзоларига йўл-йўриқ бериш. Қўлга олиш гуруҳига ҳар бир ушланаётган шахсга уч нафардан кам бўлмаган махсус тайёргарликка эга ходимни жалб қилиш тавсия этилади.

Ушлангандан сўнг ИИБ ходимига ҳужум қилишда фойдаланиши мумкин бўлган қуроллар, нарсалар ва бошқаларни олиб қўйиш мақсадида жиноятчилар дарҳол тинтув қилиниши шарт.

Ушлаб туриш баённомасида қўлга олишда олинган барча нарсалар батафсил кўрсатилиши лозим. Олинган барча нарсалар синчковлик билан ўралади ва муҳрланади.

Ушлаб туриш баённомасида ушлашда олинган барча нарсалар батафсил кўрсатилиши лозим. Олинган барча нарсалар синчковлик билан ўралади ва муҳрланади.

Ушлаб туриш баённомасида ушланган шахсда ушлаш вақтида қандай бош кийими, уст кийим ва оёқ кийими бўлганлиги кўрсатилган бўлиши шарт. Унинг эғнида содир этилган жиноят натижасида талон-торож қилинган ўзганинг кийими бўлиши мумкин. Ушланган шахс қурол ва жиноятини фош қиладиган бошқа предметлар, пул, ёзишма ва шу кабилардан қутулмоқчи бўлганлиги фактини аниқлаш учун ушлаш жойини диққат билан кўздан кечириш зарур.

Ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш. ЖПКнинг 162-моддасига биноан шахсий тинтув ЖПКнинг 157 ва 161-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда суриштирувчи ёки терговчи томонидан шахснинг кийимлари, ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга эгп нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш учун амалга оширилади.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш қуйидаги ҳолларда алоҳида қарор чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин:

– жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган ИИБ ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош

қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ЖПК 224-м.);

– гумон қилинувчи ИИБга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида баённома тузилганда;

– айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюм ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилади.

Ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш у ушланган заҳотиёк ўтказилиши лозим. Шахсий тинтув вақтида қуроллар, ўқ-дорилар, жиноят қуроллари, шахсий ҳужжатлар, талон-торож қилинган ашёлар, ушбу шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини фош қилувчи нарса ва ашёлар (хат, ёзишма ва бошқалар) олиб қўйилиши шарт, барча ҳаракатлар шахснинг шахсий тинтув баённомасида акс этиши шарт.

Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш.

Шахс Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, уни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга асос бўлади (ЖПК 359-м.).

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Агар бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш кўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш кўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

ЖПКнинг 360-моддасига мувофиқ қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар

жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорда кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айтилиши вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Шундан сўнг суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ гумон қилинувчини биринчи маротаба сўроқ қилгунига қадар ҳимоячи билан холи учрашишини таъминлайди.

Гумон қилинувчининг илтимосига кўра, суриштирувчи ёки терговчи ишда муайян ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди. Танланган ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳимоячи иштирокида гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилади ва уни сўроқ қилади. Сўроқдан сўнг ушлаб турилган гумон қилинувчи сўроқ баённомасини имзолайди. Шахс ушлаб турилган пайдан бошлаб 72 соат ичида терговчи шахсинг жиноят содир қилганлигини исботловчи ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун етарли далилларни тўплаши лозим.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 96–108-моддалари ҳамда 109–112-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширилади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш у ушлангандан сўнг дарҳол амалга оширилиши лозим. Агар бирор узрли сабабларга кўра уни ўтказишнинг иложи бўлмаса, сўроқ у ушланган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ўтказилади.

Гумон қилинувчи ушланган ва шахсий тинтув ўтказилгандан кейин дарҳол сўроқ қилинади. Сўроққа тайёргарлик кўришда терговчи иш бўйича тўпланган барча материалларни диққат билан яна бир бор таҳлил қилиб чиқиши тавсия этилади.

Жиноятг устида ушланган фирибгарлар, кўпинча турли хийла-найранг ишлатиб, айбдор эканликларини дарҳол тан олмайдилар. Кўпинча улар ҳеч қандай жиноят содир этмаганлиги, ушланиши ноқонуний эканлигини билдирадилар. Агар фирибгар ўзининг шериклари билан бирга ушланса, уларни биринчи марта кўраётганлигини гапириши мумкин, иштирокчи эканликлари исботланган ҳолларда эса улар билан учрашуви тасодифий бўлганлигини тушунтиришга ўтиб оладилар.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда ундан фирибгарликни содир этиш усули сўралади, зарурати бўлса, уни қайта кўрсатиш таклиф этилади. Фирибгарликда ушланган шахснинг кўрсатмасини қайта текшириш усули фирибгарга қўйилган айбни инкор этса, унга ушлаш тўғрисидаги баённома, ушлаш вақтида иштирок этган ички ишлар органи ходимининг кўрсатувлари, шахсий тинтув баённомаси кўрсатилади ва жабрланувчи билан юзлаштириш ўтказилади.

Жиноят содир этилгандан кейин бир мунча вақт ўтгач ушланган фирибгарлар жиноят содир этилганда бошқа жойда эканлигини важ қилиб, жиноят содир этмаганликлари тўғрисида кўрсатма берадилар, бундай вақтда терговчи тўпланган материаллар асосида уни фош этиши зарур.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишда кўпроқ ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири шахс ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатишдир. Фирибгарлик ишлари бўйича шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси ўз хусусиятларига эга. Жумладан, фирибгарни таниб олиш учун кўрсатишда улар ишлатадиган турли найрангларни ҳисобга олиш керак бўлади. Кўпинча улар жиноят содир этишдан олдин ташқи қиёфаларини ўзгартиришлари мумкин: кийимини алмаштириши, бошига парик кийиши, соқол-мўйлов қўйиши, кўзойнак тақиб олиши ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам шахсни таниб олиш учун кўрсатишда жабрланувчини шоширмаслик керак, у таниб олинаётганининг атрофидан айланиб кўриши, ташқи қиёфа белгиларини синчиклаб ўрганиши учун тўлиқ имкон берилиши керак.

Бу кўп жиҳатдан жиноят иши бўйича битта ёки бир нечта гумон қилинувчи ушланганлигига; гумон қилинувчи жабрланувчининг уйида ёки бошқа жойда ушланганлигига; бевосита жиноят содир этилгандан сўнг ёки бир қанча вақтдан сўнг ушланганлигига; ушланган шахс ҳужум содир этишда қандай вазифани бажарган ёки уни иштирокчилик даражасига; терговчи сўроқ қилиш вақтида қандай фош этувчи далилларга эгалигига боғлиқ бўлади.

Ушланган шахсга у нимада гумон қилинаётганлигини тушунтириб, қандай шароитда ушланганлигини эркин сўзлаб беришни таклиф қилиш лозим.

Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятда иштирок этганини инкор этмаётган бўлса, сўроқ қилиш вақтида қуйидагиларга ойдинлик киритилиши лозим:

– жиноят содир этилган жойда қачон, ким билан ва қандай ҳолатда бўлган;

- ким унинг кўрсатувини тасдиқлаши мумкин;
- жиноят содир этган шахслар сони;
- унинг шерикларининг фамилияси, исми, лақаби, турар жойи, уларнинг батафсил белгилари, жиноят содир этишда ҳар бирининг роли;
- жиноятнинг ташкилотчиси ким, жиноий гуруҳ қанчалик барқарор, олдин шунга ўхшаш жиноятлар содир этилганми, содир этилган бўлса қандай, қаерда ва қачон содир этилган;
- мазкур жойни тажовуз объекти сифатида танлашга нима асос бўлган;
- жиноят содир этиш шароити;
- гумон қилинувчиларнинг жабрланувчилар билан танишиши ҳақидаги маълумотлар;
- жабрланувчида пул ва қимматбаҳо нарсалар борлиги тўғрисидаги хабар манбаи;
- мазкур жиноятни содир этишдаги тайёргарлик ҳаракатлари (жиноий қилмиш режаси, иштирокчилар орасида вазифаларнинг тақсимланганлиги);
- эгалланган мулкнинг миқдори ва хусусияти, уларнинг умумий қиймати; батафсил белгилари;
- мулк яширинган жой;
- мулкни ўтказиш усули ва субъектлари, олувчининг шахси;
- жиноятчиларнинг жиноят содир этилган жойдан яшириниш усули. Агар улар транспортдан фойдаланган бўлса, унинг русуми, индивидуал белгилари, давлат рақами.

Агар гумон қилинувчи жиноят содир этишдаги иштирокини инкор этадиган бўлса, сўроқ давомида қуйидагилар аниқланиши лозим:

- у жиноий жавобгарликка тортилганми, агар тортилган бўлса қачон, қаерда, ким томонидан ва қандай жинояти учун;
- жазо тури, қаерда ва қандай муддатга судланган, унга муддатидан илгари озод қилиш қўлланилганми;
- айтган жиноятини ким билан содир этган;
- жиноят содир этилган вақтда у қаерда, кимникида ва ким билан бўлган, нима қилган, унинг алибисини ким тасдиқлаши мумкин;
- у шахсий тинтув қилинганда топилган ва олиб қўйилган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматликлар кимга тегишли ёки қаердан ва қачон олган;
- жабрланувчидан олинган ашёлар ва қимматбаҳо буюмлар унда қандай пайдо бўлиб қолган, уларни қаердан ва қачон олган, буни ким тасдиқлаши мумкин;

– унинг баданида ёки кийимидаги жароҳатлар қаерда, қачон ва ким томонидан етказилган;

– унинг жиноят содир этилган жойда аниқланган қўл, оёқ ва бошқа излари қандай қолдирилган.

Жавоблар иложи борича тафсилотлари билан тўлиқ олиниши лозим. Шундан сўнг ишдаги далиллардан фойдаланган ҳолда, жиноятни ушбу шахс содир этганлиги фош этилиши мумкин.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш фирибгарлик жинояти содир этилган пайтда унинг қаерда эканлигини аниқлашдан бошланади. Жиноят содир этиш вақтида ушланган шахс асосан тўғри кўрсатув беради. Гумон қилинувчи сифатида ушланган шахслар эса жиноят содир этилган вақтда бошқа ерда эканлигини айтиб, жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида кўрсатув беради. Бундай ҳолларда унинг берган кўрсатувлари деталлаштирилиб, текшириб кўрилади. Бунинг учун воқеа жойидан топилган излар, тинтув вақтида олинган ашёвий далиллар, фирибгарлик жинояти содир этилаётганини ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар кўрсатувларидан жиноятчиларнинг ёлғон кўрсатувларини фош этишда фойдаланилади. Агар гумон қилинувчи айбига иқроор бўлиб, жиноят содир этганини тан олса, жиноятни содир этиш билан боғлиқ барча ҳолатлар, унга тайёргарлик кўриш, қандай қуроллардан фойдаланганлиги, иштирокчилар аниқланади.

Гумон қилинувчиларни сўроқ қилишда қатор масалалар ҳал этилиши лозим. Уларга қуйидагилар киради: гумон қилинувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар; фирибгарликнинг қаерда содир этилганлиги; уни содир этиш вақти ва усули; олиб кетилган буюмлар ва уларнинг эгаллангандан кейин қаерда сақланаётганлиги каби масалалар аниқланиши лозим.

Агар ишда бир неча гумон қилинувчи иштирок этаётган бўлса, терговчи улардан қайси аввал сўроқ қилиш масаласини аниқлаши керак. Бунинг учун ушланган одамнинг шахсий хислатлари ўрганилиши лозим.

Айбини тан олган шахсларни сўроқ қилишдаги асосий шарт-шароитлардан бири улар берган кўрсатувларнинг тафсилотларини ўрганишдир. Фирибгарлик содир этилган жой аниқланганидан кейин сўроқ қилинаётган шахсдан фирибгарлик содир этилган объект қаерда жойлашганлиги, унинг ташқи кўриниши, унга бориш йўллари ва фирибгарлик содир этилган хона ва бошқаларнинг ички ҳолати қандайлиги ҳам аниқланиши керак.

Фирибгарлик жиноятини содир этиш усулини аниқлаш пайтида терговчи нима учун айнан шу усулни танланганлиги ва фирибгарлик содир этганидан кейин пул ёки буюмларни қаерга қўйганлиги аниқланиши лозим. Сўроқ жараёнида қандай буюм ва моддий бойликлар олиб кетилганлиги, улар қаерда турганлиги, олиб кетилган буюмнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиши керак. Кўрсатувни бундай тафсилотлар билан ўрганишда уни тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга ошириш даврида тўпланган маълумотлар билан солиштириб кўриш назарда тутилади.

Шу билан бирга гумон қилинувчининг барча кўрсатувлари тергов давомида синчковлик билан текширилиши шарт.

Жабрланувчи ёки гувоҳларга турли буюмлар таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин. Буюмлар олдин жабрланувчига тегишли бўлиб, ундан фирибгарлар алдов йўли билан олган бўлиб, тинтув вақтида фирибгардан топилган бўлса, таниб олиш учун кўрсатилади.

3-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Фирибгарлик жиноятини очишга қаратилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари. Фирибгарлик жиноятлари дастлабки босқичда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида фош этилмаса, кейинги босқичдаги тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Ушбу тадбирларни терговчи жиноят иши қўзғатилгандан сўнг тегишли йиғмажилдлар доирасида амалга оширади.

Ҳар бир фош этилмаган фирибгарлик жиноятларини очиш учун тергов-тезкор гуруҳини тузиш бўйича буйруқ чиқарилади. Гуруҳга барча соҳавий хизматлардан жумладан тезкор йўналишдан ҳам алоҳида тезкор вакил жалб этилади. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари раҳбарият олдида жиноятни фош этиш юзасидан қилинган ишлар бўйича доимий равишда ҳисобот бериб боради. Гуруҳ таркибида тезкор ходимнинг асосий вазифаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан **жиноятчи** шахсни аниқлаш ҳамда унинг жиноий фаолиятини фош этишдан иборат бўлади.

Тезкор ходим жиноятни фош этиш бўйича тегишли йиғмажилд юритади ва йиғмажилд бўйича тезкор-қидирув тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Режада жиноятни фош этиш бўйича жиноят содир этилиш усули ҳамда дастлабки босқичда ўтказилган тезкор-қидирув

тадбирлари натижасида олинган маълумотлар асосида тегишли тусмоллар ишлаб чиқилади. Тусмолларни текшириш юзасидан тегишли тезкор-қидирув тадбирлари, уларни ўтказувчи шахслар ҳамда ўтказиш вақти белгилаб олинади. Соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Амалиётда баъзан тегишли ҳисоб йиғмажилдлари юзасидан тузилаётган режалар жиноятни содир этиш усулидан, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб эмас, балки, номигагина, расмиятчилик учун ишлаб чиқиладигани сабабли айрим фирибгарлик жиноятлари фош этилмай қолмоқда. Шу билан бирга, очилмай қолган жиноятлар бўйича ишлаб чиқилган режаларда кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмай қолиб кетиш ҳоллари ҳам мавжуд. Фирибгарлик жиноятлари тезкор ходимларнинг тажрибаси етарли эмаслиги сабабли фош этилмай қолиш ҳоллари кузатилмоқда.

Тезкор ходим фирибгарлик жиноятларини фош этиш бўйича кейинги босқичда қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади:

– жабрланувчи, гувоҳ ва шохидлар билан жиноятнинг барча тафсилотлари ҳамда дастлабки босқичда олинган маълумотлар асосида қайтадан батафсил сўров тезкор тадбирини ўтказиб, улардан тегишли тартибда тушунтириш хатини олиш;

– содир этилган фирибгарлик жинояти бўйича маълумотларни барча шахсий таркибга етказиш ҳамда уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплаш;

– барча қўшни шаҳар, туман, вилоят ИИБларга, ЖИЭМларга, тергов ҳибсхоналарига, реабилитация марказларига, метрополитен ИИБга жиноятнинг тўлиқ тафсилоти кўрсатилган хабарномалар жўнатиш ва улардан амалий ёрдам беришларини сўраган ҳолда маълумотлар тўплаш;

– муқаддам фирибгарлик жиноятларини содир этган шахсларнинг рўйхатларини олиш ҳамда улар бўйича маълумотлар тўплаш;

– муқаддам фирибгарлик бўйича судланган ҳамда жиноят содир этилган вақтда озодликда юрган шахслар билан жиноят содир этилган вақтда, кун давомида нима ишлар билан машғул бўлганлигини аниқлаш мақсадида сўров ўтказиш ва улардан олинган ахборотларни тезкор йўллар билан текшириш орқали маълумотлар тўплаш;

– муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этиб судланган шахслар орасида шубҳали ҳаракатларни амалга ошираётганлари аниқланса, уларга нисбатан маълумотлар тўплаш ва тезкор кузатув тадбирларини амалга ошириш;

– фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг фотороботи тузилганидан сўнг ушбу шахсни аниқлаш, қидириб топиш ҳамда жиноий фаолиятини фoш этиш мақсадида жиноят содир этилган жойда, унга яқин ҳудудларда, жиноят содир этилиши мумкин бўлган бошқа жойларда шахснинг кимлигини, фамилияси, исми, отасининг исмини аниқлаш, маълумотлар тўплаш ҳамда мунтазам равишда шахсий изқуварлик, сўров тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

– жиноят содир этган шахсни аниқлаш, қидириб топиш ҳамда жиноий фаолиятини фoш этиш мақсадида жиноят содир этилган жойда, унга яқин ҳудудларда, жиноят содир этилиши мумкин бўлган бошқа жойларда жиноятни содир этган шахснинг айнан шу шахс эканлигини аниқлаш, маълумотлар тўплаш ҳамда сўров тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича тегишли ёрдамчи кучларга топшириқлар бериш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбирларни давом эттириш;

– профилактик ва тезкор ҳисобларда турувчи шахсларнинг рўйхатларини таҳлил этиш асосида тезкор қизиқиш уйғотувчи шахсларга нисбатан тезкор кузатув ўтказиш;

– жиноят содир этилган вақтда фойдаланилган транспорт воситаси кимга тегишли эканлиги аниқланган ҳолларда транспорт воситаси эгасининг яшаш жойини аниқлаш бўйича маълумотлар тўплаш;

– транспорт воситаси эгасининг аниқ турар манзили аниқланган ҳолларда у шахсни қидириб топиш ҳамда жиноят содир этилган вақтда нима ишлар билан банд бўлганлигини аниқлаш мақсадида сўров ва маълумотлар тўплаш;

– транспорт воситасини доимий равишда ўзи бошқарадими ёки бошқа шахсда ҳам ушбу транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи борми, агар шундай бўлса, уларнинг шахси тўғрисида маълумот олиш мақсадида сўров ўтказиш ва ахборот тўплаш;

– жиноят содир этилган вақтда транспорт воситасини бошқарган шахс ҳақида маълумотлар олинган вақтда сўров ўтказиш учун уни қидириб топиш, ИИБга олиб келиб, унинг шахсиятини аниқлаш, сўров ўтказиш;

– сўров давомида у шахснинг шубҳали ҳаракатлари аниқланса, аммо содир этилган жиноятга алоқадорлиги бўйича етарли далиллар мавжуд бўлмаса, унга нисбатан тезкор кузатув тадбирини ўтказиш;

– фирибгарлик жинояти содир этилган вақтда жиноят жойида бўлган шахсни аниқлаш бўйича уяли алоқа компаниялари имкониятидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўплаш;

- уяли алоқа компанияларидан олинган маълумотлар асосида шубҳали шахсларни аниқлаш ҳамда улар бўйича маълумотлар тўплаш;
- фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг телефон рақами аниқланган ҳолларда уяли алоқа компаниялари имкониятидан фойдаланган ҳолда у ҳақда маълумотлар тўплаш;
- уяли алоқа компанияларидан шахс тўғрисидаги маълумотлар олинганидан сўнг унинг яшаш жойини аниқлаш бўйича маълумотлар тўплаш;
- гумонқилинувчи шахс тўғрисида тўлиқ ахборот тўпланган ҳолларда жабрланувчи ва шохидлар билан шахснинг айнанлигини аниқлаш;
- шахснинг аниқ тураржойи аниқлангандан сўнг, унинг турар жойида сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув ҳамда шахснинг айнанлигини аниқлаш;
- фирибгарлик жиноятини содир этиш вақти, жойи ҳамда усулидан келиб чиқиб тезкор эксперимент тадбирини ўтказиш;
- содир этилган фирибгарлик жинояти бўйича шубҳали шахс ёки шахслар аниқланганда тезкор киритиш тадбирини ўтказиш;
- содир этилган фирибгарлик жиноятига алоқадор шахс ҳақида ахборот олинганида унга нисбатан телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш тадбирини ўтказиш;
- фирибгарлик жиноятини содир этишга алоқадор шахснинг турар жойлари биноларини ҳамда транспорт воситаларини текшириш;
- фирибгарлик жиноятини содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан қиёсий текширув учун намуналар йиғиш ҳамда нарса ва ҳужжатларни текшириш;
- фирибгарлик орқали олиб кетилган нарсаларни сотаётгани аниқланганида назорат остида олиш тадбирини ўтказиш;
- фирибгарлик жиноятини фош этиш мақсадида жиноятни содир этишга алоқадор шахснинг почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш;
- ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида олинган маълумотлар асосида қўшимча тезкор-қидирув тадбирлари режасини ишлаб чиқиш;
- жиноятни фош этиш учун тузилган тергов-тезкор гуруҳининг йиғилишларида қатнашиш ҳамда бажарилган ишлар бўйича доимий равишда раҳбариятга ҳисоботлар бериб бориш;

– жиноятни фош этишга қаратилган тадбирларни ўтказишда соҳавий хизматлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш.

Фирибгарлик жиноятини очишда тезкор ходимнинг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги. Тезкор ходим терговчининг алоҳида топшириғи бўйича тезкор тадбирларни ўз вақтида ўтказиб, бунинг натижасида тўпланган материалларни кўриб чиқади, ҳамда жиноят ишига қўшиш учун терговчига беради; шахснинг айнанлигини аниқлаш, назорат остига олиш тадбирларини терговчи билан ҳамкорликда ўтказади; фирибгарлик жиноятини очиш бўйича бажарилган ишлар юзасидан терговчига маълумотномалар бериб боради; тезкор йўллар билан олинган маълумотларни ниқоблаш мақсадида ҳамда жиноят ишида далилий ашё сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсаларни олиш бўйича тергов ҳаракатларини ҳамкорликда ўтказади; фирибгарлик жинояти бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларида иштирок этади.

Тезкор ходим фирибгарлик жиноятларини фош этишда *профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда*: жиноят содир этилган ҳудудда сўров ўтказади; улардан фирибгарлик жиноятини содир этишга мойил шахслар рўйхатларини олиб, биргаликда маълумот тўплаш тадбирларини ўтказади; профилактика инспекторларининг ёрдамчи кучлари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида уларга топшириқлар беради; содир этилган фирибгарлик жиноятлари бўйича профилактика инспекторлари билан маълумотлар алмашади; жиноятни содир этган шахсни аниқлаш мақсадида шахснинг айнанлигини аниқлаш тадбирларини ўтказади.

Эксперт-криминалист билан ҳамкорликда: жиноятчининг фотороботини ишлаб чиқади; жиноятчининг фоторобот бўйича шахсини аниқлаш учун экспертга тегишли базалардан текшириб кўриш юзасидан топшириқлар беради; жиноят жойидан олинган бармоқ изларини базадаги бармоқ изларига солиштириб кўриш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб боради; шахснинг айнанлигини аниқлаш, назорат остига олиш тадбирларини ўтказишда унинг имкониятларидан фойдаланади.

Жиноятчи шахснинг транспорт воситаси бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, тезкор ходим *йўл-патруль хизмати ходимлари* имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт воситасини аниқлаш чораларини кўради; жиноят бўйича ЙХХХда мавжуд ҳисоблардан фойдаланади; жиноятчининг транспорт воситасида кетган йўналиши маълум бўлганида, шу йўналишдаги постларга хабар бериб, уни ушлаш чораларини кўради.

4-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда содир этилган жиноят юзасидан ўзида мавжуд ахборотни терговчига ўрнатилган тартибда етказиб бериши тергов-тезкор гуруҳи ходимларининг жиноятни очишида дастлабки тергов ҳаракатларини самарали ташкил этиш ва уни «иссиқ изидан» очиш имкониятларини оширади.

Профилактика инспекторларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– фирибгарлик жинояти бўйича гувоҳлар ва жабрланувчилар ҳақидаги маълумотлар, жиноятга оид далилий ашёлар, ҳужжат ва бошқа нарсалар, шунингдек гумон қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларни терговчига тақдим этади;

– терговчининг топшириғи асосида фирибгарлик жинояти бўйича гувоҳлар билан терговга қадар текширув ишлари олиб боради ва улардан тушунтириш хатлари олади;

– фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турган илгари судланган шахслар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиши ва суриштирув ишлари олиб боради;

– гумон қилинувчи ҳақидаги маълумотларни тўплайди, агар у қочиб кетган бўлса, унинг яқин алоқаларини аниқлайди, жиноятчининг қаерга бориши ва қаерда бўлиши ҳақида маълумот тўплаш чораларини кўради;

– фирибгарлик жинояти бўйича маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда, хонадонларда ва бошқа аҳоли яшаш пунктларида суриштирув ишлари олиб боради ва фирибгарлик жинояти бўйича олинган ҳар қандай маълумотни зудлик билан терговчига тақдим этади;

– тезкор хизмат ходимларига фирибгарликка мойил ва фирибгарлик жинояти содир этгани учун профилактик ҳисобда турган шахслар, уларнинг яқин алоқалари ва қариндошлари ҳақидаги маълумотларни етказиб беради;

– фирибгарлик жиноятлари юзасидан олинган маълумотларни тезкор текширувдан ўтказиш учун тезкор вакилга тақдим этади, масалан, фирибгарлик жиноятини содир этган гумон қилинувчининг яширинган жойи ҳақида ахборот олинганда уни қўлга олиш режасини ишлаб чиқиш мақсадида аниқ манзили ва у ерга бориш, яширинча кириш ёки чиқиш йўли ва жойлари юзасидан маълумотлар бўлиши мумкин;

– терговчига дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишида яқиндан ёрдам беради ва воқеа жойида баённома тузишида холислар билан таъминлайди;

– гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топшириғи асосида бошқа вазифаларни амалга оширади.

5-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги

Фирибгарлик жиноятларини очиш мақсадида, тергов-тезкор гуруҳи таркибида бўлган мутахассис-криминалист ўз ваколати доирасида ҳодиса жойида дастлабки дактилоскопик, трасологик, баллистик, габитологик, хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотларини ўтказди.

Ушбу турдаги жиноятларни очиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда топилган қўл бармоқлари изларидан ҳамда эксперт-криминалистика хизматида мавжуд «АДИТ-СОНДА» тизими имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Терговчи дактилоскопик экспертизаларни шаҳар, туман ИИБ ЭКБ мутахассисларига топшириш йўли билан чекланмасдан, ушбу турдаги экспертизаларни вилоят ва вазирлик ЭКМ доирасида ўтказиши ҳамда воқеа жойидан олинган бармоқ изларини республика ЭКМ «АДИТ-ПАПИЛОН» «АДИТ-СОНДА», «АСИЛ» автоматлаштирилган базаларидан текшириши керак.

Масалан, 2016 йил 27 февралда Самарқанд вилояти Жом туманидаги «UzDaewoo» автосалонида номаълум шахслар фуқаро Б.Б.ни унга ДАМАС русумли автомашинани бир кунда унинг номига қонуний расмийлаштирган ҳолда сотиб олиб беришларига ишонтириб ҳамда паспорти ва 55миллион сўм нақд пулини олиб, автосалон биноси томон йўл олишган. Орадан бир оз вақт ўтгач номаълум шахслар фуқаро Б.Б.нинг олдига келиб, унга салон директори номидан имзолаб мухрланган шартнома нусхасини тақдим этишган. Б.Б. шартномани имзолагач унга « машинангизни 2 соатдан кейин олиб келишади» деб фуқаро Б.Б. га ўзларининг уяли алоқа телефон рақамларини бериб, номаълум томонга йўл олишган. Фуқаро Б.Б. тахминан 4 соатдан кейин салон директори А.А.га қўлидаги шартномаси билан мурожат қилган, лекин салон директори бундай шахсларни кўрмаганлиги ва танимаслигини, қолаверса шартномани имзоланмаганлигини билдирган.

Мазкур ҳолат бўйича хатшунослик экспертизаси тайинланган бўлиб, ИИБ ЭКМнинг 2016 йил 10 мартдаги 555-сонли хатшунослик

экспертизаси хулосасига асосан, директор номидан қўйилган имзо А.А.А га тегишли эмаслиги балки бошқа шахс томонидан А.А.А.нинг имзосига ўхшатиб бажарилгани ҳақида хулоса тақдим этилган.

ЭЖБ ходими мутахассис-криминалист сифатида жабрланувчини сўроқ қилиш, кўздан кечириш, фотосуратлар орқали таниб олиш учун кўрсатиш, гумон қилинувчини ушлаш, тинтув қилиш, сўроқ қилиш тергов ҳаракатларининг техник-криминалистик таъминотини амалга оширади. Жумладан, фирибгарлик жинояти бўйича жабрланувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатида мутахассис-криминалист иштирокининг энг кўп тарқалган шаклларида бири тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичида терговчига консултатив ёрдам кўрсатишидир. Мутахассис-криминалист тергов ҳаракатида иштирок этишга тайёрланиб, терговчи билан келишилган ҳолда техник-криминалистик таъминот режасини тузади. Унда тасвирга олиш нуқталари, тактик усуллари, терговҳаракати иштирокчиларининг ўзаро жойлашуви, суратга олиш тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун қўйиладиган талаблар (жойнинг яхши ёритилиши, хонани ташқи овозлардан ажратиш кабилар) акс этиши лозим.

Видео тасвирга тушириш ва овоз ёзиш орқали ўтказиладиган тергов ҳаракатини амалга оширишда қайд этиш жараёни терговчининг изоҳи билан бошланади ва тугатилади. Юқорида кўрсатилган тергов ҳаракатларини ўтказишда видеотасвирга туширишнинг тактик усуллари ишлаб чиқилган. Сўроқ қилиш давомида видеокамера терговчининг орқа ён томонида жойлашиши керак, сўроқ қилинаётган шахснинг боши ва кўли кадр ташқарисига чиқиб қолмаслиги лозим.

Фирибгарлик жинояти бўйича фотосуратлар орқали таниб олиш учун кўрсатишда мутахассиснинг иштироки. Фотосуратлар бўйича шахсларни таниб олиш учун фотосуратлардаги тегишли белгиларни видеотасвирга тушириш жараёнида таниб олаётган шахс кўрсатаётган элементлар ҳам қўшимча равишда муфассал тасвирга туширилади. Бу қоида нарсаларни таниб олиш ва таниб олиш учун расм-жадвалларга илова қилинадиган тасвирларга нисбатан ҳам амал қилади. Нарсаларни таниб олишда муфассал тасвирга тушириш чизикли масштаб орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу жиноят бўйича олинган излар ва ашёвий далиллар бўйича эксперт-криминалистлар дактилоскопик, трасологик, баллистик, габитологик, хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник криминалистик тадқиқоти каби криминалистик экспертизалар ҳамда бошқа махсус суд экспертизаларини ўтказадилар.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Терговчининг фирибгарлик жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларини ўтказишдаги вазифалари

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишнинг кейинги босқичида жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Тергов ҳаракатларига пухта тайёргарлик кўриш, айбланувчининг шахсини синчковлик билан ўрганиш ва муайян тергов ҳаракатини ўтказиш вақтини тўғри танлаш мазкур босқичнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Ушбу ҳаракатларнинг танланиши ва амалга оширилиш кетма-кетлиги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилганидан кейин вужудга келган тергов вазиятига боғлиқ.

Кўп ҳолларда терговнинг навбатдаги босқичида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Айбланувчини сўроқ қилиш; экспертиза тайинлаш; тинтув ўтказиш ва ашёларни олиб қўйиш; шахсни таниб олиш учун кўрсатиш; эксперимент; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш.

Тергов ҳаракатлари кетма-кетлигини терговнинг бошланғич босқичида тўпланган далилий базани инобатга олган ҳолда, жиноят ишининг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб белгилаш лозим.

Экспертизалар тайинлаш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига мувофиқ, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганида экспертиза тайинланади. Эксперт олдида қўйиладиган саволлар ва у берадиган хулоса экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишда турли суд экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Ушбу жиноятни тергов қилишда криминалистик, суд-хатшунослик, суд-кимё, товаршунослик ва ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизалари тайинланади.

Фирибгарлик жиноятларини тергов қилишда дактилоскопик, трассологик, хатшунослик экспертизалари тайинланади.

Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 157-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда

эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

ЖПК 158-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносидан ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсдан иш учун аҳамиятли нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Терговчининг жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва буюмлар бирор хонада ёки шахсдан бўлиши ҳақидаги тахмини олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш учун терговчи асослантирилган қарор чиқариши керак, шу билан бирга тинтув ўтказиш учун қўшимча тарзда прокурорнинг санкцияси ҳам олиниши лозим (ЖПК 161-м., 1-қ.).

Тинтув қуйидагиларни топиш ва олиш қўйиш учун ўтказилади:

– жиноят содир этишда қўлланилган воситалар ва бошқа нарсаларни;

– гумон қилинувчининг, (айниқса, содир этилган жиноят излари мавжуд бўлган) кийим-кечаги, пойафзали, бош кийими;

– олиб кетилган нарсаларнинг техник паспорти ва бошқа ҳужжатлари;

– гумон қилинувчининг ўзини таништирган фамилияси билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги асл фамилияси тўғри келмайдиган ҳужжатлар;

– гумон қилинувчининг жиноятнинг бошқа иштирокчилари билан алоқадорлигидан далолат берувчи хат, ёзишмалари, кундалик дафтарчаси;

– жабрланувчи сўроқ вақтида айтган нарса (гугурт, авторучка, кўзойнак ва ҳ.к.)лар;

– гумон қилинувчида фуқаролик муомаласидан чиқарилган, ноқонуний сақланаётган нарсалар (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив ва кучли таъсир қилувчи ёки заҳарловчи моддалар);

– ички ишлар идораларидан яшириниб юрган гумон қилинувчилар.

Тинтув қилишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– жиноят иши материаллари билан танишиш;

– тинтув ўтказилиши режалаштирилаётган жой ва ҳолати ҳақидаги тахминий маълумотларни тўплаш;

– тинтув қилинаётган объект тўғрисида маълумот олиш;

– тинтув ўтказиш вақтини аниқлаш;

– тергов-қидирув гуруҳини шакллантириш;

– техник-криминалистик ва қидирув воситаларини тайёрлаш;

– гумон қилинувчи билан бирга истиқомат қилаётган шахслар, уларнинг яшаш тарзи ва алоқалари тўғрисида маълумот олиш;

– тергов-қидирув гуруҳига аъзо бўлган шахслар билан йўриқнома ўтказиш кабилар.

Терговчининг тасаввурига кўра, жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчининг талон-торож қилинган нарса ва буюмларини аниқлаш учун гумон қилинувчининг уй-жойи, керак бўлса иш жойини тезда тинтув қилиш лозим.

Айбланувчининг уй-жойи ва эгалланган мулклар яширилиши мумкин деб гумон қилинган шахсларнинг турар жойларида ҳам тинтув ўтказилади. Кўпинча жиноятчилар эгалланган буюмларни ертўла, том, молхона ва шунга ўхшаш жойларда сақлашлари мумкин. Шунинг учун бундай жойлар диққат билан текширилиши керак. Бундан ташқари, ховлилардаги дарахт таглари, томорқа майдон ҳам тинтув қилиниши шарт.

Тинтув жиноятчини қидириб топиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай вақтларда жиноятчининг яшириниб турган жойини у билан алоқа қилиб турган шахсларни кўрсатувчи турли ҳужжат (ёзишмалар, почта квитанциялари ва ҳ.к)ларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гумон қилинувчининг баданида жиноят излари, белгиларини аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ҳам ўтказилади.

Кўпинча жиноятчининг танасини бирон аъзоси жароҳатланиши излари, баданининг очик қисмларида турли доғлар, чандиқлар, норёки татуировкалар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Тинтув терговчи томонидан ўтказилади. Тезкор-қидирув вакили, эксперт-криминалист ва бошқа мутахассислар терговчига тинтувни ўтказиш учун зарур ёрдам кўрсатадилар.

Агарда жиноят содир этишда бир неча шахс гумон қилинаётган бўлса, тинтув тўсатдан ва бир вақтнинг ўзида, тез ва зудлик билан ўтказилиши лозим. Бу эса тинтув олиб борилаётгани ҳақида хабар чиқишининг олдини олади.

Тинтув ва олиб қўйиш чоғида олинган нарсалар синчковлик билан текширилади.

Уларда келиб чиқиши биологик бўлган моддаларни аниқлаш учун ультрабинафша нурлардан фойдаланиш зарур. Барча аниқланган нарсалар фотосуратга олиниб, тинтув ўтказиш ҳақидаги баённомада батафсил ёритилади ва олиб қўйилади.

Олиб қўйиш ва тинтув баённомасида нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда олинганлиги кўрсатилади, улар бирма-бир қайд этилиб, миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар бирининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлганда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

2-§. Тезкор ходимнинг фирибгарлик жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс ушланганидан сўнг тезкор ходим жиноят содир этишининг сабаблари, жиноий шериклари ва содир этилган бошқа жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш учун у билан сўров ўтказди. Сўров давомида айбланувчи жиноятни содир этганидан сўнг ушлангунига қадар нима ишлар қилганига алоҳида эътибор қаратилади, жиноят натижасида қўлга киритилган бойликдан қандай мақсадларда фойдалангани ўрганилади. Ҳозирги кунда жиноят натижасида олиб кетилган пул, предмет ва нарсалар қаерда сақланаётгани, сотган бўлса кимларга, қанчага сотганлигини аниқлаш лозим. Жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб бериш мақсадида жиноятчининг мол-мулки, қўшимча даромадлари тўғрисида маълумот олишга интилиш керак.

Тезкор ходим жиноятчи асосий вақтини қаерларда ўтказиши, кимлар билан яқин алоқада эканлигини аниқлаб, уларни тезкор йўллар билан текшириш орқали маълумотлар тўплаши лозим.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс ушланганидан сўнг унинг жиноий шерикларини аниқлаш мақсадида, тезкор кузатув ўтказиш, жиноятчининг уйига келиб кетаётган шубҳали шахсларни аниқлаш, текшириш ҳамда улар ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадга мувофиқ.

Тезкор ходим ёрдамчи кучлар имкониятидан фойдаланган ҳолда шубҳали шахсларни тезкор кузатувга олиши, улар бўйича маълумотлар тўплаши, ушбу шахсларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш мақсадида уларни тезкор қамровга олиши, раҳбариятнинг рухсати билан уларга нисбатан тезкор киритиш тадбирларини ўтказиши, тадбирда фирибгарлик жиноятини очиш малакасига эга кучлардан фойдаланиши, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ва мазкур органга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахсларнинг имкониятларидан фойдаланишда уларга мақсадли топшириқлар бериш ҳамда натижалари бўйича ахборотлар беришларини талаб қилиши керак.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс аниқланганидан сўнг бошқа жиноятларга алоқадорлигини текшириш бўйича ўтказилган сўров давомида унинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, психологиясига эътибор қаратиш лозим. Тезкор ходим фирибгарнинг бошқа жиноятларга алоқадорлигини текшириш давомида ҳудудда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг барчасини ўрганиб чиқиши, содир этилиш усули, жойи ва вақтига ҳамда кимларга нисбатан содир этилганига эътибор бериши керак. Шу билан бирга, унинг бошқа турдаги жиноятларга ҳам алоқадорлиги текширилиши лозим.

Муқаддам содир этилган фирибгарлик жиноятларидан жабрланган шахсларга фирибгарлик жиноятини содир этиб ушланган жиноятчини кўрсатиш орқали унинг айнан шу шахслигини аниқлаш, фақат бу билан чекланиб қолмай, ўзга жиноятлар бўйича тўпланган далилий ашёларни ҳам ўрганиб чиқиб, таҳлил этиш орқали маълумотлар тўплаш, шунингдек фирибгарлик жиноятини содир этган шахсга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган ҳолларда тезкор ходим унга нисбатан қўшимча маълумотлар тўплаш мақсадида махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар имкониятидан фойдаланиб, тезкор киритиш тадбирини амалга ошириши лозим. Уларга берилаётган топшириқларда жиноятчининг бошқа жиноий шериклари борлиги ёки содир этилган бошқа жиноятларга алоқадорлиги бўйича маълумотларни аниқлаши кераклиги таъкидланиши шарт. Берилган топшириққа асосан олиб борилган тадбирлар натижасида олинган маълумотларни ўрганиб чиқиб, таҳлил этиш лозим. Ушбу маълумотлар асосида қўшимча тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чораларини кўриш керак. Тезкор ходимнинг тезкор киритиш тадбирини амалга ошириш имкони бўлмаса тегишли вақтинчалик сақлаш хонаси, тергов ҳибсхонаси, реабилитация марказларининг имкониятидан фойдаланган ҳолда улар билан ҳамкорликда тезкор киритиш тадбирини амалга ошириши керак.

Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида фирибгарлик жиноятини содир этиб ушланган шахснинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги, жиноий шериклари бўлиши мумкинлиги бўйича маълумотлар олинса, уларни текшириб кўриш ҳамда аниқлаш мақсадида қўшимча тезкор-қидирув тадбирлари режаси тузилиши ва белгиланган тартибда амалга оширилиши керак. Режа бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида раҳбариятга доимий равишда ахборот бериб борилиши шарт.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг жиноий шериклари тўғрисида маълумотлар олинган ҳолларда тезкор ходим ушбу

шахсларга нисбатан суриштирув ишлари олиб бориш орқали маълумотлар тўплаши, улар билан сўров ўтказиши, тадбир давомида олинган маълумотларни тезкор йўллар билан текшириши, турли тезкор комбинациялардан фойдаланган ҳолда жиноятни фош этишга интилиши лозим. Фирибгарлик жиноятига алоқаси бўлиши эҳтимол тутилган шахсларга нисбатан тезкор кузатув тадбири ўтказиш ҳамда уларнинг юриш-туришида ўзгаришлар бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш керак.

Тезкор ходим фирибгарлик жиноятини содир этиб ушланган шахснинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги ҳамда жиноий шерикларини аниқлаш мақсадида терговчи томонидан берилган алоҳида топшириққа асосан тегишли тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши, натижаси бўйича терговчига ахборот бериши керак. Тадбир якунида қўлга киритилган далилий ашёлар, материаллар текшириб чиқилиб, жиноят ишига қўшиш мақсадида терговчига кузатув хати орқали тақдим этилади.

3-§. Фирибгарлик жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар ва экспертлар олдига қўйиладиган саволлар

Фирибгарлик жинояти очилганидан кейин терговчи томонидан ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойида текшириш, юзлаштириш, айбланувчини сўроқ қилиш ҳамда зарур бўлганда тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларида ҳам мутахассис-криминалист иштирок этиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатларининг техник-криминалистик таъминотини ўтказишда нутқ ва тасвирни қайд этиш мақсадида овоз ёзиш, видеоёзув, фотосуратга олиш қўлланилади.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилиш жараёнида фан, техника, маданият ва ҳунар соҳасидаги махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилишда суд экспертизаси муҳим роль ўйнайди. Чунки, «суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат»¹ бўлиб, унинг натижасида жиноят ишининг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – 22-сон. – 173-м.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишда топилган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли излар юзасидан турли суд экспертизалари тайинланади. Жумладан, ҳужжатлар билан боғлиқ ашёвий далиллар олинган бўлса, (валюта, паспорт, диплом, ҳайдовчилик гувоҳномаси, лотерея билетлари) ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ўтказилади.

Қўлёзма матнларининг техник экспертизасида экспертлар олди-га қўйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– ёзувлар қандай усулда бажарилган (бевосита ёзув қурилмасида ёки нусха кўчирувчи қурилма ёхуд монтаж усулидами)?

– ёзувни бажаришда ишлатилган ёзув қурилмасининг тури қандай?

– ҳужжатни тайёрлашда ишлатилган из ҳосил қилувчи сирт (подложка) қандай хусусиятларга эга бўлган?

– текширилаётган имзо дастлабки техник тайёргарликдан кейин бажарилганми?

– текширилаётган қўлёзма матн қўшиб ёзиш, алоҳида чизиқларни чизиб қўйиш, бир штрихларни иккинчисининг устидан чизиш усуллари билан ўзгартирилганми?

– текширилаётган қўлёзма матн тозалаш, емиртириш, тўғрилаш усулларида ўзгартирилганми?

– қўлёзма матн ва ҳужжатнинг бошқа реквизитларининг ўзаро кесишувчи штрихлари қандай кетма-кетликда бажарилган?

– ҳужжатдаги ёзувлар битта ёки турли ёзув қурилмалари ёрдамида бажарилганми?

– ҳужжатдаги ёзувлар аниқ бир ёзув қурилмасида бажарилганми?

– емиртириш, тозалаш усуллари билан ўчирилган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– устидан елимланган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– устидан суюқлик тўкилган, чизиб ташланган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– босилган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– ҳужжатнинг йўқотилган (йиртиб ташланган) бўлагидаги ёзувларнинг мазмуни қандай?

– ранги ўчиб кетган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– кўринмас (симпатик) сиёҳ билан бажарилган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– нусха кўчирувчи қоғозда акс этган ёзувларнинг мазмуни қандай?

– тақдим этилган нусха кўчирувчи қоғоздан қандай ҳужжатни бажаришда ишлатилган?

Мухр ва штампларнинг техник-криминалистик экспертизасида экспертлар олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- ҳужжатдаги муҳр (штамп) акси қандай усулда бажарилган?
- акси ҳужжатда мавжуд бўлган муҳр (штамп) қандай усулда тайёрланган?
- муҳр (штамп) аксининг мазмунига ўзгартишлар (қўшиб ёзиш ёки чизиш, тозалаш, емиртириш усулларида) киритилганми?
- муҳр (штамп) аксини тушириш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага тўғри келадими, муҳр (штамп) акси қандай даврда туширилган?
- муҳр (штамп) акси ва ҳужжатнинг бошқа реквизитларидаги ўзаро кесишувчи штрихлар қандай кетма-кетликда бажарилган?
- муҳр (штамп)нинг яхши кўринмайдиган акси мазмуни қандай?
- муҳр (штамп)нинг ўзгартирилган аксининг дастлабки мазмуни қандай?
- текширилаётган муҳр (штамп) акси аниқ бир муҳр (штамп)дан қолдирилганми?
- ҳужжатдаги муҳр (штамп) акслари бир ёки турлича муҳр (штамп)лардан қолдирилганми?

Ёзув қурилмаларида бажарилган матнларнинг техник-криминалистик экспертизасида эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- матн ёзув қурилмасида қандай усулда бажарилган?
- матнни бажаришда қайси турдаги ёзув қурилмасидан (ёзув машинкаси, принтер ва бошқ.) фойдаланилган?
- тақдим этилган ёзув қурилмасида бажарилган матн ёзув қурилмасида бажарилган нечанчи нусха бўлган?
- тақдим этилган ёзув қурилмасида бажарилган матн билан бирга яна қанча нусха матн бўлган?
- ҳужжат нусхалари ёзув қурилмасининг битта топшириқ асосида ёки турли равишда берилган топшириқлар натижасида бажарилганми?
- ёзув қурилмасида бажарилган матннинг бажариш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага мос келадими, ушбу матн қанча вақт оралиғида бажарилган?
- ёзув қурилмасида бажарилган матн ва ҳужжатнинг бошқа реквизитлари қайси кетма-кетликда бажарилган?
- ҳужжат матнини тайёрлашда бошқа (масалан, имзо ва муҳр аксига эга бўлган) ҳужжатнинг алоҳида қисмидан фойдаланиб бажарилганми? ҳужжатнинг мазмуни қўшиб ёзиш, тозалаш, **емириш** усуллари ёрдамида ўзгартирилганми?
- яхши кўринмайдиган ёзув қурилмасида бажарилган матннинг мазмуни қандай?

– ўзгартирилган ёзув қурилмасида бажарилган матннинг дастлабки мазмуни қандай?

– ҳужжатлардаги матнлар бир ёки турли ёзув қурилмасида бажарилганми?

– ёзув қурилмасида бажарилган матнлар бир ёки турли шахслар томонидан бажарилганми?

– ёзув қурилмасида бажарилган матн ижрочисининг малакаси (билими, кўникмаси) қандай?

Босма маҳсулотлар техник экспертизасида эксперт олдида қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– матн босма усулда бажарилганми?

– ҳужжатдаги матн қандай усулда бажарилган?

– тақдим этилган ҳужжатлар айнан бир усулда бажарилганми?

– тақдим этилган босма маҳсулотларни бажаришда ишлатилган шакллар қандай усулда тайёрланган?

– текширилаётган матн қайси турдаги босма шрифтда бажарилган?

– варақларни кесиш усуллари қандай?

– текшириш учун тақдим этилган маҳсулот қандай усулда брошюровка қилинган (жузланган)?

– тақдим этилган брошюрланган (жузланган) маҳсулотдаги варақлар қандай усулда алмаштирилган?

– яхши кўринмайдиган матннинг мазмуни қандай?

– тақдим этилган ҳужжатлар бир хил шакл, клише, стеротип ёрдамида босилганми?

– таққикотга тақдим этилган ҳужжатлар, асл қолип ёки фото-негативларда мавжуд тасвирлар ёрдамида бажарилганми?

– текширилаётган қолип ва босма маҳсулот тақдим этилган ёзув қурилмаси литераси ёрдамида бажарилганми?

– текширилаётган ҳужжат нусхасини тайёрлашда ишлатилган электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилманинг тури, маркаси ва русуми қандай?

– тақдим этилган ҳужжат нусхалари бир ёки турлича электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилмалар ёрдамида бажарилганми?

– тақдим этилган ҳужжат, намуна-нусхалари бажарилган аниқ бир электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилма ёрдамида тайёрланганми?

– ҳужжатнинг алоҳида реквизитлари монтаж йўли билан электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилмада бажарилганми?

– ҳужжатнинг электрографик усулда бажарилган реквизитлари ва бошқа реквизитлари қайси кетма-кетликда бажарилган?

– ҳужжатнинг варақлари бир ёки турли қоғоз кесувчи қурилма (пичоқ)да қирқилганми?

Елимланган реквизитларнинг техник экспертизасида эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– ҳужжатдаги фотосурат (марка, ёрлик)лар алмаштирилган (қайта елимланган)ми?

– ҳужжат варақлари алмаштирилган (қайта елимланган)ми?

– ҳужжат матнининг мазмуни, ҳужжат варағидаги реквизитларни қайта елимлаш усулида ўзгартирилганми?

– реквизитлари қайта елимланган ҳужжатнинг дастлабки мазмуни қандай?

Ёндирилган ҳужжатларнинг техник экспертизасида эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– ёнган (кул бўлиб қолган) қоғоз қолдиқлари қанча миқдордаги ва айнан қандай ҳужжатларнинг ёниши натижасида ҳосил бўлган?

– ёнган ҳужжатлардаги матннинг мазмуни қандай?

Йиртилган ҳужжатларнинг техник экспертизасида эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– йиртилган қоғоз варағи қандай маҳсулотнинг қисми ҳисобланади?

– тақдим этилган қоғоз варағи тадқиқотга юборилган ва варағи етишмайдиган дафтар (бошқа маҳсулот)га тегишлими?

– тақдим этилган ҳужжат бўлаклари илгари бир бутунни ташкил қилганми?

– тақдим этилган варақлар бир вақтда йиртилганми?

– йиртилган варақларнинг дастлабки кўриниши ва мазмуни қандай бўлган.

Ёзувлар билан боғлиқ ашёвий далиллар (хат, имзо) топилган бўлса хатшунослик экспертизаси ўтказилади. *Унда эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– шубҳали қўлёзмани текшириладиган шахсларнинг қайси бири бажарган?

– текшириладиган қўлёзмалардан қайси бирини шубҳали шахс бажарган?

– шубҳали қўлёзмани бир шахс бажарганми ёки турли шахсларми?

– қўлёзма одатдаги ёки ғайриодатий ҳолатда бажарилганми?

– қўлёзма атайин ўзгартирилган ёзув билан бажарилганми?

– шубҳали қўлёзма бирор шахснинг ёзувига ўхшатиб бажарилганми?

– қўлёзма жисмоний толиққан, рухий ҳаяжон, оғир касаллик ёки алкоголь истеъмол қилган ҳолатда бажарилганми?

– қўлёзма қайси вақтда бажарилган?

– қўлёзмани эркак ёки аёл бажарганми?

Бундан ташқари, эксперт олдиға бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Бармоқ ва кафт излари билан боғлиқ ашёвий далиллар бўйича дактилоскопик экспертиза ўтказилади (бармоқ излари ҳайдовчилик гувоҳномасидан, валюта ва бошқа нарсалардан олиниши мумкин). *Дактилоскопик экспертизада эксперт олдиға қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– тақдим этилган буюмларда бармоқ излари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар шахснинг айнанлигини аниқлаш учун яроқлими?

– бармоқ излари аниқ бир шахс томонидан қолдирилганми?

– бармоқ излари бир шахсга тегишлими?

– бир неча ҳодиса содир бўлган жойдан олинган бармоқ излари бир шахс томонидан қолдирилганми?

– излар қачон ҳосил бўлган?

– из ҳосил бўлиш механизми қандай ҳосил бўлган?

– излар қайси қўл ва қайси бармоқдан қолган?

– излар кафт сиртининг қайси соҳасидан қолган?

– из бўлаги қўл бармоғидан қолдирилганми ёки кафтидан?

– изларда одам қўлининг қандай хусусиятлари акс этган (чандиқ, тиртиқ, қадок, тери касалликлари, бармоқларнинг йўқлиги ва эгилиши, узукларнинг мавжудлиги ва бошқ.)?

– бармоқ изларини қолдирган шахснинг бўйи, жинси ва ёши қандай?

– бармоқ изларини қолдирган шахснинг касби нима?

Соч толалари бўйича биологик (ДНК) экспертизаси ўтказилади. Ушбу экспертизада ҳал қилинадиган масалалар турлича бўлиб, тадқиқот объектларининг классификацион хусусиятларини аниқлаш ва идентификацион вазифаларни ҳал этишдан иборатдир. Бу масалаларни тахминан қуйидаги саволлар тариқасида келтириш мумкин:

– тадқиқотга юборилган биологик материаллар таркибидан генетик материал (ДНК) олиш мумкинми?

– эксперт тадқиқотига юборилган биологик материаллардан олинган ДНК тадқиқотга яроқлими?

– юборилган биологик материал манбаининг жинси?

– текширишга тақдим этилган биологик материал солиштириш учун тақдим этилган шахсларнинг қайси бирига тегишли?

Юқоридагилардан ташқари, аниқланган излар ёки ашёвий далилларнинг турларига кўра бошқа турдаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин.

4-§. Терговчининг фирибгарлик жиноят иши бўйича дастлабки терговни якунловчи босқичидаги вазифалари

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилишда терговчи тўпланган далиллар шахснинг айбини исботлаш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шу билан бирга, терговчи ўз тасдиғини тўлиқ топмаган далилларга таянган ҳолда эълон қилинган айбловга ишониб қолмаслиги лозим. Сабаби, жиноят иши бўйича ҳали тергов ҳаракатлари тўлиқ якунланмаган бўлади ва бу жараёнда шахсни оқловчи далиллар ҳам топилиши мумкин.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жараёнида қуйидаги муҳим ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- далиллар мажмуи;
- айбловнинг шакллантирилиши;
- қарор чиқарилиши;
- қарорнинг эълон қилиниши;
- ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш натижасида жиноят процессининг асосий иштирокчиси – айбланувчи пайдо бўлади.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Унда:

- 1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили;
- 2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;
- 3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Шахс Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланган-

да бу жинойтлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши керак (ЖПК 361-м.)

Терговчи иш бўйича тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилади. Терговчи шахсга қабул қилинган қарорни эълон қилиши билан бирга, ЖПКнинг 46-моддасида белгиланган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши лозим.

Айбланувчининг жинойт содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар у айбсиз ҳисобланади. Лекин шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш уни жинойт жавобгарликка тортишнинг бошланғич босқичидир.

Айбланувчини сўроқ қилиш. Айбланувчини сўроқ қилиш гумон қилинувчини сўроқ қилиш тартибига ўхшаш бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 111-моддасига мувофиқ, айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин терговчи ЖПКнинг 98–100-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни бажариши шарт. Шундан сўнг у қуйидагиларни амалга оширади:

– айбланувчига унинг ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

– айбланувчи билан шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд агар айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

– гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши ёки ҳисобламаслигини аниқлаши шарт.

Терговчи юқорида қайд этилган барча ҳаракатларни амалга оширганидан сўнг айбланувчига қўйилган айблов мазмуни бўйича кўрсатув беришни таклиф қилади ҳамда унинг кўрсатувини янада ойдинлаштиришга оид қўшимча саволлар бериши мумкин.

Айбига иқроп бўлмаган айбланувчиларнинг айби тўпланган далиллар асосида текширилади ва баҳоланади.

Айбланувчини сўроқ қилиш натижалари бўйича сўроқ баённомаси тузилиб, ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинаётганга тақдим этилади

ёхуд унинг илтимосига кўра терговчи унга ўқиб эшиттириши лозим. Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувларининг тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзоси билан тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифада ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекади.

Таниб олиш учун кўрсатиш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 125-моддасига асосан таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганида; суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш керак бўлганида.

Фирибгарлик жинояти юзасидан ишларни кўришда таниб олишнинг объектларига қуйидагилар киради:

– ушбу жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахслар;

– гумон қилинувчилардан (айбланувчилардан) олинган ашёлар: қурол-яроғ, эгалланган ашёлар ва бошқалар;

– жиноят қуроллари (воқеа жойидан топилган ёки гумон қилинувчилардан олинган);

– гумон қилинувчилар томонидан ташлаб юборилган ашёлар;

– гумон қилинувчиларга тегишли бўлмаган ашёлар ва ҳ.к.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, айбига иқрор бўлган ва айби тасдиқланган гумон қилинувчи (айбланувчи)лар таниб олувчи ҳисобланадилар.

Таниб олиш учун тайёрлов босқичига қуйидаги тадбирлар киради: жиноят иши материалларини ўрганиш; унинг ўтказиладиган жойи ва вақтини белгилаш; икки объект ёки икки нафар шахсни аниқлаш, (уларга таниб олинадиган объект намойиш этилади, уларнинг барчаси бир-бирига мос бўлиши лозим); объектни **кўриш жараёни** юз берган ҳолатга мос келадиган муҳит яратиш; зарур техник-криминалистик ашёларни тайёрлаш, таниб олиш учун айбланувчи ва гумон қилинувчи жалб этилса, унга мувофиқ кўриқланишини таъминлаш; гувоҳлар ва эксперт-криминалистларни таклиф қилиш, агар иштирокчилардан бири суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаса, таржимонни таклиф этиш; таниб олинаётган буюм ва нарсаларнинг **кетма-кет тартибини аниқлаштириш** учун рақамли ёрликлар тайёрлаш.

Бундан ташқари, фактларга аниқлик киритиш мақсадида таниб олувчини унга тақдим этиладиган объектни таниб олиши учун

батафсил сўроқ қилиш, жумладан қуйидаги хусусиятларни аниқлаш керак:

– Сизга тақдим этилган объект ва нарсалар орасида берган кўрсатувингизда келтирилганлари борми?

– тақдим этилган предметлар (сумка, соатлар ва ҳ.к.) ичида Сизники борми?

– қайси рақамдагиси Сизники?

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда уни кўргансиз (ёки улар Сиздан қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда олинган)?

– уларни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз?

– кўрсатилган шахслар орасида кўрсатувингизда келтирилган шахс борми?

– у қаерда жойлашган (чапда, ўнгда, ўртада)?

– қаерда, қачон ва қайси ҳолатларда у билан учрашгансиз?

– уни қайси белгиларига кўра таниб олдингиз?

– «Сиз таниб олувчи билан танишмисиз?» деган сўнгги савол берилиши зарур.

Терговчининг таниб олувчига берган саволлари ва унинг жавоблари, таниб олинган шахснинг аниқ белгилари ва жиҳатлари, таниб олишнинг ҳаракат ва натижалари таниб олиш баённомасида акс этиши лозим.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириши. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 132-моддасига асосан ушбу тергов ҳаракати гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириш мақсадида ўтказилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан кўзланадиган мақсадлар: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарса, хужжат, из ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарса, хужжат, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни кўрсатиб бериш; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса жойида бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, хужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш уй-жойларга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган фирибгарлик жинояти юзасидан ишларни кўришда гумон қилинувчи (айбланувчи)-нинг кўрсатувларидаги жиноят содир бўлган жойга мос келмайдиган ҳолатларнинг сабабини, гумон қилинувчи (айбланувчи) иштирокида яширилган ва ташлаб юборилган жиноят қуроли, қон доғлари бўлган кийим ва нарсаларни аниқлаш учун ўтказилади.

Ушбу тергов ҳаракатини қуйидаги ҳолларда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

– ушбу жиноятда иштирок этган гумон қилинувчи ва айбланувчининг олдиндан келишуви мавжуд;

– иштирокчилар жиноят содир бўлган жой ва ҳолат бўйича ҳар хил кўрсатувлар берган;

– жиноий гуруҳ аъзолари аввал бўлиб ўтган ўхшаш жиноятларни содир қилганликларини тан олган, бироқ ушбу жиноят содир бўлган манзилни билмайди;

– гумон қилинувчи ва айбланувчи жиноят содир қилган аниқ манзилни айтмоқда, лекин жиноят ҳақида ариза келиб тушмаган.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

– кўрсатувлари текширилаётган шахснинг жиноят содир бўлган жойни кўрсатиши;

– шахснинг кўрсатувларида берилган ахборот билан жиноят содир этиш жойидаги ҳолатни солиштириш;

– кўрсатувларда баён қилинган ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатни ҳақиқийлигини текшириш;

– воқеа содир бўлган жой терговчи томонидан гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг маълумотлари асосида ўрганилади ва солиштирилади.

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда кўнгилсиз ҳолатлар юз беришининг олдини олиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жой ва унга бориш йўналиши, унинг атрофидаги ҳудуд ҳолати, тергов ҳаракатини ўтказишнинг мақбул вақтини аниқлаш ва бошқа бир қатор ҳолатларни олдиндан мукамал режалаштириб олиш лозим.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда терговчилар томонидан айбланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишда иштирокчиликнинг мотивини (терговчининг хабардорлигини аниқлаш; изларни йўқ қилиш; озодликда бўлган иштирокчилар билан алоқани аниқлаш, қочиш) ҳисобга олиш зарур.

Воқеа жойига бориш ва текширишда айбланувчининг бегона шахслар, айниқса жиноят иштирокчилари билан муомала қилмаслиги чорасини кўриш керак.

Айбланувчи, жабрланувчи ва уларнинг ҳимоячиларини жиноят иши материаллари билан таништириш. Терговнинг хулоса қисми мазмунини ЖПКнинг 375–381-моддаларида тартибга солинган қуйидаги процессуал ҳаракатлар мажмуи ташкил қилади:

– тергов жараёнида тўпланган барча далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топиш мақсадида баҳолаш;

– жиноят ишини тартибга келтириш ва расмийлаштириш;

– жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар бериш ва уларни иш материаллари билан таништириш;

– айбланувчи ва унинг ҳимоячисига дастлабки терговнинг тамомланганлигини эълон қилиш ва айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириб бериш;

– жиноят ишини танишиб чиқиш учун тақдим этиш;

– терговга қўшимча киритиш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқиш;

– илтимослар қониқтирилганидан кейин иш билан такроран танишиб чиқиш;

– дастлабки терговнинг тамомланганлигини расмийлаштириш.

Дастлабки терговнинг яқунловчи қисмига хос жиҳат юқорида санаб ўтилган ҳаракатларнинг қатъий изчиллигидан иборат. Айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтирмай туриб, уни иш материаллари билан таништириш мумкин эмас. Илтимослар иш материаллари билан таништиришдан кейин ҳал қилинади, чунки улар иш билан танишиб чиқилганидан сўнг пайдо бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Терговчи тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Агарда иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг

вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга кўра иш материаллари билан танишиб чиқиш учун белгиланган вақтда кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага узайтириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга эса бошқа вакил чақириш имкони яратилади.

ЖПКнинг 376-моддасида жинойт ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган.

Унга кўра, терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларнинг рўйхатини тузган ҳолда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қароридан ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақли бўлади.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ундаги ҳужжатлардан кўчирмалар олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Жинойт иши материаллари билан танишиб чиққанидан кейинги оғзаки илтимосларни баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома берса, бу ҳақда баённомада ёзиб қўяди.

Илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ЖПКнинг 377-моддасида кўрсатилган.

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини сўрайди.

Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч суткагача вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар қилади.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин.

Терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имконини беради (ЖПК 378-м.)

Шу билан терговчининг дастлабки терговни юритишда каттагина босқични ташкил этувчи ҳаракатлари ниҳоясига етади. Агар терговчи ушбу ҳаракатларнинг барчасини амалга ошириб, терговнинг тўлиқ ва холис эканлиги, жиноят ишини судга юбориш учун етарлилиги ҳақида хулосага келса, иш бўйича дастлабки тергов натижалари қайд этиладиган якунловчи процессуал ҳужжат бўлган айблов хулосасини тузади.

Айблов хулосаси тузиши. Айблов хулосаси – дастлабки терговни якунловчи ва унинг натижаларини ифодаловчи процессуал ҳужжат бўлиб, унинг асосида жиноят иши судга юборилиши керак.

Айблов хулосасида терговчи келган хулосалар, тақдим этилиши лозим бўлган далиллар таҳлили, айбланувчининг айблов ва оқлов мақсадида келтирилган асослари ҳамда айбловнинг юридик квалификацияси келтирилади.

Ушбу муҳим тергов ҳужжатида терговчи айбланувчининг айбдорлигига бўлган ишончини акс эттиради. Бунда у айблов иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланганлигини, айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича келтирган асослари ва эътирозлари ишонарли чиқмаганлиги, айбловни рад эта олмаганлигини баён этади.

Айблов хулосасини терговчи тузади, аммо прокурор тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга киради.

Айблов хулосаси муҳим юридик (процессуал-ҳуқуқий), сиёсий ва техникавий аҳамиятгаэга.

Унинг юридик аҳамияти шундаки, айблов хулосаси терговнинг якуний босқичидаги процессуал восита ҳисобланади. Терговчи айблов хулосасини тузаётганида ишнинг барча материалларини ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва холислиги нуқтаи назаридан яна бир бор текширади ва баҳолайди.

Айблов хулосасининг юридик аҳамияти яна шундаки, у прокурор ва суд (судья) ўзларига берилган ваколат доирасида қарор чиқаришлари учун асос ҳисобланади.

Айблов хулосаси прокурорга - ишни судга юбориш, судьяга эса уни судда кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суд айбловни асосланган деб топгач, ишни суд мажлисида фақат айблов хулосасида қайд этилган шахсларга нисбатан ва дастлабки терговда уларга қўйилган айб нуқтаи назаридангина кўриб чиқиши шарт.

Айблов хулосасининг процессуал-ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у иш бўйича суд муҳокамасининг доирасини белгилаб беради. Суд агар суд муҳокамаси давомида судланувчи учун оғирроқ жазога олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқласа, айблов хулосасида келтирилган айблов ифодасини ва юридик квалификациясини ўзгартиришга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда суд айбловни ўзгартириш ва қайта айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради, шундан сўнг суд муҳокамасининг доирасини белгиловчи янги айблов хулосаси тузилиши лозим.

Айблов хулосасининг аҳамияти айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминловчи процессуал кафолат эканлигида ҳам ўз ифодасини топади. Айбланувчи ўзига берилган айблов хулосасининг мазмуни билан танишиб чиққач, суд муҳокамасида иштирок этишга аввалдан тайёргарлик кўриши, қандай ҳимояланишни ўйлаб кўриши, қандай илтимослар қилишни мўлжаллаб қўйиши мумкин.

Айблов хулосасининг сиёсий аҳамияти шундаки, суд тергови бошланиши билан эълон қилинадиган ушбу хулоса суд мажлиси залида ҳозир бўлганларни муҳокама қилинаётган ишнинг моҳияти билан таништиради. Қонуний асосда тўпланган далилларга асосланган айблов хулосаси фуқароларни жиноятларга ва уларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашда ёрдам беради, жиноятларга қарши кураш олиб борувчи органларнинг обрўсини оширади.

Айблов хулосаси техник жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Уни тузиш чоғида айбловни асословчи барча далилий материаллар муайян

тартибга солинади. Бу эса суднинг ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларининг иш материаллари билан танишишини ва унинг моҳиятини тушунишини осонлаштиради.

Айблов хулосасининг тузилиши ва мазмуни жиноят-процессуал қонун ҳамда тергов қилинган жиноятнинг хусусияти билан боғлиқ (ЖПК 379-м.).

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, унинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи **иш** саҳифалари кўрсатилиши керак. Терговчи айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлигини кўрсатиб, уни имзолайди.

Айблов хулосасида тергов натижасида олинган маълумотлар қуйидаги тартибда баён этилади:

- жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар ёки сабаб;
- жиноятни тергов қилишда аниқланган фактик ҳолатлар (уларни тасдиқловчи далиллар билан бирга);
- терговчи айбланувчининг шахси ҳақида тўплаган маълумотлар (улар бу шахснинг жамият учун хавфлилик даражаси ва жавобгарлик хусусияти ҳақидаги масалани ҳал қилишда муҳимдир);
- айбланувчининг унга эълон қилинган айб мазмуни бўйича тушунтиришлари ва уларни текшириш натижалари.

Фактик ҳолатларни ҳамда уларни аниқлашга ёрдам берган далилларнинг манбаларини баён этиш усули ишнинг хусусиятига боғлиқ.

Агарда айбланувчи ўзининг айбдорлигини деб тан олмаса ва айблов билвосита далилларга асосланса, иш ҳолатларини тергов қилиш чоғида аниқланган кўриниш ва тартибда таърифлаган маъқул. Фактик ҳолатларни жиноят содир этилган кетма-кетликда баён этиш бевосита далилларга эга бўлган ишлар бўйича, яъни иш юзасидан тўпланган далиллар шубҳасиз аниқ бўлганлиги сабабли уларни жуда батафсил таҳлил қилиш зарур бўлмаганида тавсия этилади.

Кўпинча терговчилар ўзига хос аралаш усулдан, яъни юқорида санаб ўтилган усулларни бирлаштириб фойдаланадилар.

Айблов хулосасининг тавсиф қисмида фактик ҳолатларни баён этишда айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек айбланувчининг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларни келтириш зарур. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ишончли далилларга асосланиши ва айблов хулосасида тегишли манбаларга ҳавола этган ҳолда келтирилиши керак.

Тавсиф-асослантирувчи қисмида айбланувчининг унга кўйилган айб бўйича тушунтиришларининг моҳияти ва уларни текшириш натижалари баён этилади.

Айбланувчининг содир этилган жиноятга муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чин кўнгилдан пушаймон қилиш, жиноятни очишга фаол кўмаклашиш жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Буни айблов хулосасида кўрсатиш зарур.

Айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаган ҳолатларда айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида унинг важлари воқеликка мос эмаслиги кўрсатилиши лозим. Шу боис айбланувчининг у эътироз билдираётган фактлар бўйича тушунтиришларини ҳам, терговчи топган ва ушбу тушунтиришларини рад этадиган далилларни ҳам келтириш зарур. Бунда айбланувчини фош этадиган далиллар шундай мантиқий изчилликда келтирилиши керакки, бундан уларнинг жиноят ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқлиги кўриниб туриши, айбдорлик ҳақидаги хулоса эса ишонарли бўлиши керак.

Айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам баён этилиши зарур. Бу судга айбланувчининг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва қилмишлари қандай асосга эгаллигини аниқлаш, бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Тавсиф-асослантириш қисмининг мазмуни иш материалларига мос келиши керак. Терговчининг тасдиқланмаган тахминлари ва тасаввурлари келтирилмаслиги, иш бўйича тўпланган далиллар мазмуни ва маъноси бузиб кўрсатилмаслиги лозим. Аниқланган фактларга ҳолисона ёндашувни субъектив баҳо билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Айблов хулосасининг мазкур қисмини баён этилаётган ҳолатларни тасдиқлаш учун далиллар келтириб, ишнинг моҳияти учун муҳим бўлмаган умумий фикрлар билан тўлдириб юбормаслик керак. Бунда жиноят ишининг тегишли варақларига ҳаволалар қилиш зарур, чунки бу жиноят ишини ўрганишни ва айблов хулосасининг тўғри тузилганлигини текширишни осонлаштиради.

Тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган фактлар асосида хулоса қисми келтирилади. Унда айбланувчиларнинг анкета маълумотлари, айблов баёни ва жиноят деб баҳоланаётган қилмишлар квалификацияланишига асос бўлган Жиноят кодекси моддалари келтирилади.

Айбловнинг ифодаланиши жиноятнинг моҳияти, содир этилган вақти, жойи, амалга ошириш усули, шунингдек айбланувчининг ҳаракатлари натижасида етказилган зиён ҳақидаги қисқача баёндир.

Хулоса қисми тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган барча ҳақиқий ҳолатларга мос келиши ҳамда Жиноят кодекси махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг аниқ таркибини кўрсатувчи юридик хулоса бўлиши керак.

Айблов фабуласини тузишда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда баён этилган айбловнинг ифодаланишидан келиб чиқиш, эълон қилинган айб доирасига ҳамда Жиноят кодексидаги айбланувчининг ҳаракатларини квалификациялашга асос бўлган моддаси матнига қатъий риоя этиш лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчи иштирок этаётган бўлса, хулоса қисмида уларга қўйилаётган айб ҳар бири бўйича аниқ ажратилиши керак. Айблов баёни тузилаётганида уларнинг ҳар бири нимада айбланаётганлиги ва жиноят содир этишдаги ўрни қандай эканлиги аниқ кўрсатилган ҳолда айбланувчиларнинг айби индивидуаллаштирилиши зарур.

Агар айбланувчи Жиноят кодексининг турли моддаларида кўрсатилган бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, хулоса қисмида барча моддалар келтирилади.

Айблов хулосаси тайёр бўлгач, терговчи уни иш материаллари билан бирга прокурорга жўнатади ва ушбу ҳаракат одатда хизмат хати шаклида расмийлаштирилади.

Айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт камокда сақланганлиги тўғрисидаги, ашъвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чиқимлари ҳақидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида терговчи жиноят процесси иштирокчиларининг фамилияси, исми,

отасининг исми, турар жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари жиноят ишининг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПК 380-м.)

Тузилган айблов хулосаси барча зарур иловалари билан бирга бир неча нусхада тайёрланади. Прокурор тасдиқлаган асл нусха жиноят ишига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси кузатув йиғмажилдида қолади, қолганлари эса айбланувчилар ва ҳимоячиларга жўнатилади.

ЖПКнинг 381-моддасига мувофиқ, терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, фирибгарлик жиноятларини тергов қилишнинг самараси ўз вақтида жиноят иши қўзғатиш, барча тергов ҳаракатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона амалга ошириш, барча из ва нарсаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, махсус билимлардан фойдаланиш, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, исботлаш предметларига кирувчи барча ҳолатларни аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Фирибгарлик жиноятини муваффақиятли тергов қилиш учун ҳар бир хабар қилинган жиноятга ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўриш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чора-тадбирларини юқори савияда ўтказиш, криминалистик ҳисоблар, ахборот-маълумотлар тизимини фаол тарзда қўллаш яхши натижа беради.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ

1-§. Фирибгарлик жиноятларининг сабаб ва шароитлари

Жамиятда рўй бераётган барча ижтимоий-демографик жараёнлар турли ижтимоий гуруҳлар орқали намоён бўлади. Шу боис, тадқиқотларнинг натижаларига ва жиноятчиларнинг ижтимоий-демографик тавсифига **кўра**, маълум бир тоифадаги жиноятчилар ва уларнинг муайян ижтимоий-демографик гуруҳларга **оидликлари** ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; жиноятларни у ёки бу ижтимоий-демографик гуруҳларнинг содир этишига хос белгилар; жамиятдаги ижтимоий-демография таркибий хусусиятларининг ўзгариши ва шу орқали ўзгалар мулкани талон-торож қилувчи шахслар таркибининг ўзгаришидаги ўзаро боғлиқлик каби ҳолатлар аниқланган.

Ижтимоий-демографик ҳолатлар ўзгалар мулканиннг ўзлаштирилиши билан бевосита сабабий боғланишда бўлмайди, балки талон-торожликнинг маълум бир сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодалайди ва шу орқали жиноятларнинг олдини олиш йўналиши, унинг ҳажми ва мазмунини ёритишга имкон беради.

Мамлакатда ёки аниқ бир ҳудудда ижтимоий-демографик жараёнлар ривожланишининг истиқболларини билиш нафақат ушбу жараёнларнинг келиб чиқишидаги салбий ҳолатларни башорат қилишда, балки унга қарши курашни ташкил қилишда ҳам ёрдам беради.

Жумладан, эркаклар содир этадиган жиноятчилик ва унинг фарқи шу ўринда ўзгалар мулкани талон-торож қилишдаги ўзига хос жиҳатлар, шахснинг жинсий-физиологик хусусиятлари ёки жиноятни содир этишдаги биологик хусусиятларнинг таъсири бўлмай, балки ижтимоий жараёнлар мазмуни ва уларнинг ўзига хос равишда у ёки бу жинсдаги шахслар гуруҳига хослиги, миллий анъаналар, одатлар қабила билан узвийлигини кўрсатади. Бинобарин, ўзгалар мулканиннг талон-торож қилинишида иштирок этган эркаклар 93 % , аёллар эса бор-йўғи 6–7 % ни ташкил этиши бунинг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда аёллар жиноятчилиги фирибгарлик орқали талон-торож қилишда юқори (39–41 %) эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда аёлларнинг фирибгарлик жиноятларини содир этиши ортмоқда (15–20 %). Фирибгарлик жиноятларининг содир этилишида

ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ўқимайдиганлар кўпчиликини ташкил этмоқда ва уларнинг ичида 25 ёшдан ошганлар қарийб 43–45 % ни ташкил қилади.

Фирибгарлик жиноятларини содир этган ва судланган шахсларнинг 28–31 % ўрта махсус ва олий маълумотли шахслардир. Бу кўрсаткич ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бундан йигирма йил олдин фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларнинг 11,1 % игина ўрта ва олий маълумотга эга бўлган.

Олий маълумотли шахслар содир этадиган жиноий қилмишлар пухта амалга оширилиши, ҳар бир вазиятнинг аниқ ҳисобга олиниши, зарур алоқалар ва иштирокчиларнинг синчковлик билан танланиши, улар бажарадиган вазифаларнинг аниқ қўйилиши билан ҳам эътиборлидир.

Фирибгарлик жиноятини таҳлил этишда жиноятчининг ёшини эътиборга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки шахснинг ёши ва ижтимоий-руҳий ҳолатларини аниқлаш орқали у содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш чораларини вақтида кўриш имконияти юзага келади.

Жиноят статистикаси маълумотларига кўра, фирибгарлик жиноятларини содир этганларнинг ҳар ўнтадан бири 18–24 ёшда, ҳар бештадан бири 25–29 ёшда, ҳар учтади бири 29–45 ёшда эканликлари аниқланган.

Фирибгарлик жиноятларининг содир этилишида муқаддам судланганлар 15–16 % ни ташкил этади. Муқаддам судланганларнинг ҳар иккитадан бири жазони ўташ муассасаларида жазо ўтаган, ҳар 12 тадан бири жазони ўтагандан сўнг бир йил ичида уч марта такроран жиноят содир этган.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, кўп ҳолларда фирибгарлик жиноятларини содир этишда шахс ўз олдига, асосан, моддий ва мулкӣ бойликларга эга бўлишни мақсад қилиб кўяди.

Тадқиқотлардан маълумки, ғаразли мақсад нафақат ўз мулкӣ эҳтиёжларини қондиришни, балки (кўпчилик ҳолларда мулкӣ эҳтиёж фақат масаланинг бир томонини ифодалайди, холос) шахсда ўзига хос зарур мақсадлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бундай мақсадларнинг кўпайганлиги ва кучайганлигини ҳам кўриш мумкин.

Фирибгарлик жиноятларини содир этишнинг асл мақсадига кўшимча равишда, жиноятчиларда **ўзбошимчалик, таваккалчилик**, «эҳтиросни қондириш» **каби ғаразли мақсадлар** ҳам мавжуд. Бунда жиноятчилар руҳий озик ва завқ оладилар. Шунинг учун бу мақсад жиноят содир этилишида доимо уларга далда беради.

Ўзгалар мулкӣ талон-торож этувчилар кўп ҳолларда ижтимоий яшаш тарзи талабларидан четга чиқувчи, ғайриқонуний фаолият юритувчи, ўзгалар ҳисобига кун кўрувчи шахслардан иборат бўлади.

Умуман олганда, иқтисодий жиноятларнинг содир этилишидаги ғаразли мақсадлар **ўзбошимчалик, бахтли таваккалчилик** ва қандай бўлмасин таъминотни яхшилашдан иборатдир. Тўғри, улар орасидаги фарқ нисбий бўлиб, доимо ўзгариб туради.

Фанда ғаразли мақсад жиноий қилмишни юзага келтирувчи восита бўлиб хизмат қилиши аниқланган. Қиёсан айтганда, ғаразли мақсад шахснинг хусусиятлари ва хислатларини ифодалайди. Яъни, ўзининг чиркин ниятларига эришиш учун хатти-ҳаракатлар нимага қаратилиши, ўз ниятига етиши учун нималарни амалга ошириши лозимлиги ва бундай фаолият кўрсатувчи шахсга нима наф бериши мумкин, деган саволларга жавоб топиш орқали шахснинг аниқ хислатларини аниқлаш мумкин бўлади.

Фирибгарлик жиноятларига хос ғаразли мақсадларни билиш эса мулкка эгалик қилишнинг маънавий ва ҳуқуқий жиҳатларини шахс қанчалик эътироф этганлигини ифодалайди. **Мақсад ўзининг узил-кесиллигини ғараз билан боғлайди ва бу жараён узоқ вақт шаклланади ҳамда жазо ва унинг қўлланишидан асло чўчимайди.**

Таъкидлаш жоизки, фирибгарлик жиноятларини содир этувчилар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз мақсадларига етишга интилади, бироқ баъзида бу мақсадлар ғаразли бўлмаслиги ҳам мумкин. Маълумки, шахснинг жиноий қилмиши субъектив жиҳатдан бирор-бир мақсадга қаратилган бўлиб, фақат **ўша шахсга хос қонуниятларга** эга.

Муайян шахсларга хос жиноятларни содир этишнинг ички қонуниятлари тўғрисида хулоса чиқаришда руҳий жиҳатдан чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, унинг ҳаёт йўлини ўрганиш, айниқса оилада олган тарбияси ва шахсининг шаклланиш босқичларини билиш катта аҳамиятга эга. Жиноятчининг шахсини ўрганишда имкон даражасида унга хос ва жиноят содир этилишига олиб келган криминоген, шу билан бирга, латент хислатларни билиш ва юзаки ҳамда ҳақиқатга зид, алдамчи вазиятлардан холи бўлиш зарур.

Фирибгарлик жиноятларига хос умумий сабаблар жумласига жамият тараққиётидаги қарама-қаршилиқлар, иқтисодиёт тараққиётидаги номақбул ривожланишлар; турли таназзул ҳолатлари; жамиятдаги ижтимоий-маънавий камчиликлар; тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги; одамларга тўраларча муносабатда бўлиш, товар-моддий бойликларнинг етишмаслиги, нарх-навонинг юқорилиги, пулнинг қадрсизланиши кабилар киради.

Ушбу жиноятларнинг бевосита сабаблари сифатида қуйидаги салбий ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

– оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши;

– молпарастлик, мол-дунёга ўчлик хислатларининг юзага келиши ва шаклланиши;

– дам олиш, ҳордиқ чиқариш мақсадларининг бузилиши, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик кабиларга берилиш;

– ўзини ўйлаш ва микрогуруҳларда зўравонлик кайфиятларининг юзага келиши;

– ғаразли ва ғаразли-зўравонлик жиноятларини содир этувчиларда маданият, дунёқараш ва маънавиятнинг пастлиги;

Фирибгарлик жиноятларининг содир этилишида омил бўлиб ҳисобланувчи қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

– уй-жойлар ва мулклар сақланадиган жойларни мақтаниш;

– ўз ихтиёридаги ёки жавобгарлигидаги мулкни сақловчи моддий жавобгар шахсларнинг зарур сақлаш чораларини кўрмаганлиги;

– ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг жавобгар шахсларни ўз вақтида жавобгарликка тортмаслиги ва жиноятчиларни ўз вақтида қидириб топмаслиги ҳамда назорат остидаги шахслар билан зарур профилактика ишларини олиб бормаганлиги;

– жабрланувчиларнинг виқтим ҳолатлари, яъни фирибгарлик жиноятларининг кескин тус олишини юзага келтирувчи ғараз, жоҳиллик кабиларни кўзғатишлари ёки ўткинчи шахслар билан мулоқотда бўлиш орқали жиноятчиларга йўл очиб бериш;

– иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий манбаларнинг талаб даражасида бўлмаслиги ва оқибатда мулкий низоларни ҳал этишда жабрланувчиларнинг жинойий тизимларга мурожаат қилиши кабилар.

Фирибгарлик жиноятларига объектив ва субъектив сабаблар хосдир. Кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршиликлар ва салбий вазиятлар фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқишига йўл очади, натижада мазкур жиноятларни келтириб чиқарувчи ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларга эга сабаблар юзага келади. Индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч ҳосил қилади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузук руҳият шаклланади.

Шу билан бирга, фирибгарлик жиноятлари таҳлилининг кўрсатишича, ишлаб чиқариш, ташкилий бошқарув ва хўжалик муаммоларини ечиш асосида амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатга салбий таъсир этувчи бир қатор ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу ҳолатларни урта гуруҳга бўлиш мумкин: а) ижтимоий-иқтисодий; б) ташкилий-бошқарув; в) маънавий-руҳий.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатларга қуйидагилар киради:

- пулнинг қадрсизланиши;
- хўжасизлик;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчилар иш ҳақининг камлиги;
- нарх-навони ушлаб туриш механизмининг йўқлиги;
- ишсизлик;
- «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжудлиги;
- айрим хомашё ва товарларнинг етишмаслиги;
- жиноий йўл билан топилган даромадни юзага чиқариш;
- хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги;
- қимматбаҳо қоғозлар бозорининг сустлиги, қимматбаҳо қоғозлар ҳимоясининг самарасизлиги.

Фирибгарлик жиноятларининг тарқалишига салбий таъсир этувчи ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳолатларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- иқтисодий муносабатлар фаолияти устидан олиб бориладиган назорат самарадорлигининг пастлиги;
- хўжалик юритиш амалий фаолияти талабларининг ҳуқуқий мувофиқлаштириш жараёнидан илгарилаб кетиши;
- иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик услуби мавжудлиги;
- давлат иқтисодиёти йўналишларида бир-бирини жиноий қўллаб-қувватлаш тизими юзага келиши;
- иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг талаб даражасида иш кўрмаслиги;
- ушбу жиноятларга қарши умумий кураш олиб боришга масъул ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳавий ва маъмурий-худудий ҳамкорлигининг суст ташкил этилганлиги;
- иқтисодий муносабатлар ва у билан боғлиқ келишмовчиликларнинг ўз вақтида ҳал қилинмаслиги.

Маънавий-руҳий ҳолатлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамиятда шахслар табақаланишининг юзага келиши;
- аҳолининг муайян қатламида қонунга ҳурматсизлик ва иқтисодий бебошликнинг юзага келиши;
- иқтисодиёт соҳасида ва хўжалик фаолиятини юритишда жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмасликка бўлган ишонч;
- айрим тадбиркорлар, айниқса ёшларда тез бойиб кетишга интилиш шаклланиши;

– аҳолининг муайян қатламлари руҳиятида маънавий хислатларнинг шаклланмаганлиги;

– «пул билан ҳамма нарсага эришиш мумкин» деган ақиданинг юзага келиши;

– бойликка ҳирс қўйиш кабилар.

Ушбу гуруҳларга мансуб ҳолатларнинг фирибгарлик жиноятларининг миқёси ва динамикасига таъсир доираси бир хилда эмас.

Санаб ўтилган барча ҳолатлар айрим кўринишлардаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан холи эмас ва айти пайтда шу каби хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига шароит яратади. Бинобарин, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш чораларининг амалга оширилишини таъминлаш катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

2-§. Фирибгарлик жиноятларнинг олдини олиш хусусиятлари

Фирибгарлик жиноятларининг олдини олишдаги асосий йўналиш умумижтимоий миқёсдаги иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, иқтисодий самара ва ижтимоий адолатни мувофиқлаштириш, халқнинг маънавий анъаналарини юзага чиқариш ва ривожлантириш каби тадбирлар билан узвийдир.

Шу боис, фирибгарлик жиноятларнинг олдини олишда махсус профилактика чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фирибгарликнинг олдини олишда махсус чораларни қўллаш катта аҳамиятга эга. Фанда махсус чора-тадбирлар сифатида жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилишга қаратилган профилактик тадбирларни тушуниш эътироф этилган.

Махсус профилактика тадбирлари доирасида ахборот-тарбиявий ва виктимологик чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

фирибгарлик жиноятларининг таркиби, динамикаси ва географиясини кримнологик таҳлил этиш ҳамда олинган натижалардан уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришда фойдаланишни йўлга қўйиш;

айрим тоифадаги кимсаларнинг фирибгарлик жиноятларини содир этаётганлиги хусусида аҳолини огоҳ этишни йўлга қўйиш ва хабарларни маълум қилиб бориш;

аҳолининг ўзларига тегишли мулкни фирибгарлар тажовузидан сақлашини таъминлаш учун уларда зарур кўникмаларни шакллантириш;

фуқаролар, тадбиркорлар, фирма ва корхона раҳбарларини фирибгарлар билан тўқнаш келиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тўғрисида огоҳ этиб бориш;

аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ахлоқий бузуклик ҳолатларининг яхшиликка олиб келмаслигини тушунтириш ишларини йўлга қўйиш;

фирибгарлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахсларга мунтазам таъсир кўрсатиш ва уларни тўғри йўлга солиш (сухбатлар ўтказиш, иш ва ўқиш жойларида хулқини назорат этишни ташкил этиш ва зарур ҳолларда бошқа машғулотлар билан бандлигини таъминлаш).

3-§. Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш борасидаги вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига асосан терговчи суриштирув органларига ваколати доирасида ҳудудда содир этилган жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳақида топшириқ ёки кўрсатма бериш ваколатига эга. Шу сабабли терговчи маъмурий ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш юзасидан профилактика инспекторларига топшириқ берганда профилактика инспекторларининг энг биринчи вазифаларидан бири – мазкур жиноят нима сабабдан содир этилганлигини, бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш, келгусида бу каби фирибгарлик жиноятлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишдир.

Профилактика инспекторлари терговчининг топшириғи асосида фирибгарлик жиноятлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар ходимлари, давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳалла посбонлари, корхона, ташкилот ва муассасалар маъмурияти ва жамоаси, таълим муассасалари билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ижобий натижа беради.

Профилактика инспекторларининг фирибгарлик жинояти фош этилганидан кейин (жиноятларнинг олдини олиш бўйича) асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда, таълим муассасаларида, аҳоли ўртасида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, маърузалар ўқиш;

– аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида мутахассисларни жалб этган ҳолда тегишли ишларни ташкил этиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

– фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун илгари судланган ва профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни ва назоратни кучайтириш;

– оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун илгари судланган ва маъмурий назоратга олинган шахслар билан «Назорат» махсус профилактик тадбирини ўтказиш;

– фирибгарлик жиноятини содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар бўйича назорат ишларини кучайтириш ҳамда махсус тоифадаги шахсларга топшириқлар бериш, фирибгарликка мойил шахслар ҳақида маълумотлар тўплаш, уларнинг яқин алоқаларини ўрганиш;

– фирибгарлик бўйича жиноят иши юритаётган терговчининг алоҳида топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида бажариладиган ишларнинг режасини ишлаб чиқиш ва унда амалга ошириладиган тадбирларни белгилаб олиш;

– ишлаб чиқилган режада умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактик тадбирларнинг ўз ўрнида белгиланиши ва тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилинадиган соҳавий хизматлар, жамоат тузилмалари ва давлат органларини аниқ белгилаб олиш;

– маъмурий ҳудуд аҳолиси ўртасида умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида маҳалла фаоллари, мутахассислар (ҳуқуқшунослар, прокурор, судья, терговчи ва бошқалар) билан бирга аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

– маъмурий ҳудудда илгари фирибгарлик жиноятлари содир этгани учун жиноий жазога тортилган ва судланган шахс сифатида ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактик ҳисобда турувчиларни ёши, жинси бўйича таҳлил этиш ва улар билан якка тартибда профилактик ишлар ўтказиш;

– маъмурий ҳудуддаги аҳоли, айниқса илгари судланганлар ўртасида ишсизлар сонини аниқлаш ва уларни ишга жойлаштириш юзасидан ҳокимият органларига тавсиялар киритиш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш чораларини кўриш;

– чет элга ишга бормоқчи бўлган ва шунга тайёргарлик кўраётган шахсларни аниқлаш, улар билан виктимологик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш;

– фирибгарлик жиноятларидан жабрланган шахслар рўйхатини тайёрлаш ва таҳлил этиш ҳамда яшаш жойида яна бир бор текшириш;

– маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари иштирокида содир этилган фирибгарлик жиноятини муҳокама этиш ва мажлис баённомасидан кўчирма олиш;

– маъмурий ҳудудда содир этилган фирибгарлик жиноятининг сабаб ва шароитларини аниқлаш, келгусида бундай ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида терговчига маълумотнома тайёрлаш ва юбориш;

– ИИБ бошлиғига амалга оширилган ишлар ҳақида билдирги орқали ахборот бериш.

Юқоридагилар билан бирга, профилактика инспекторлари фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш мақсадида маҳалла аҳолиси билан умумий профилактикани амалга ошириши лозим. Профилактика инспектори фирибгарликнинг олдини олиш учун умумий профилактик чора-тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, жумладан жиноят-қидирув, патруль-пост, кўриқлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспектори фирибгарлик жиноятининг умумий профилактикасини амалга оширишда 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси» номли 3-боби талабларига асосланади. Бу ишни у, жумладан, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, видеороликлар намойиш қилиш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Профилактика инспектори фирибгарлик жиноятининг махсус профилактикасини мазкур қонуннинг 4-боби талаблари асосида амалга оширади. Жумладан, у маъмурий ҳудудда фирибгарликнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, фирибгарлик содир этишга мойил бўлган ва содир

этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматига таклиф киритади.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари фирибгарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг такроран жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида махсус ва тезкор профилактик тадбирларни амалга оширади.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли тарзда, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган фирибгарлик жиноятининг тавсифи, даражасини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган, илгари фирибгарлик жинояти содир этгани учун судланган шахслар рўйхатини юритади.

Профилактика инспектори фирибгарлик жиноятининг якка тартибдаги профилактикасини мазкур қонуннинг тегишли боби талаблари асосида амалга оширади. Жумладан, бу ишни маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, фирибгарлик жиноятини содир этишга мойил бўлган ва шундай турдаги жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек фирибгарлик жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик қурбонига айланиш хавфи мавжудлиги, хавф туғдираётган фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширади.

Профилактика инспектори фирибгарлик жиноятининг виқтимологик профилактикасини Қонуннинг 6-боби талаблари асосида амалга оширади; Хусусан, маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг фирибгарлик жиноятдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этади. Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, фирибгарлик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу

борада уларни огоҳлик ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширади.

Профилактика инспекторлари амалга оширадиган фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасини шартли равишда икки турга бўлиш мақсадга мувофиқ:

биринчиси фирибгарлик жинояти бўйича умумий виктимологик профилактик фаолият бўлиб, мазкур йўналишда профилактика инспектори маъмурий ҳудудда фирибгарликнинг кўп содир этилаётганлиги ёки ижтимоий хавфи, маълум бир тоифадаги шахсларнинг фирибгарликдан жабрланиш кўрсаткичи тобора ошаётганлиги билан криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатган ҳолларда, ушбу турдаги жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширади;

иккинчиси фирибгарлик жиноятининг яқка тартибдаги виктимологик профилактикаси бўлиб, маълум бир ҳуқуқбузарликлар бўйича муайян шахснинг ушбу турдаги жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқорилигини аниқлаш асосида уни мавжуд хавф-хатардан огоҳ қилиш, ҳушёрликка чақириш ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этиш чора-тадбирларини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда иштирок этувчи орган ва муассаса, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторлари терговчининг кўрсатмаси ёки топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумотнома тайёрлайди ва юборади.

4-§. Фирибгарлик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш

Жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасига муво-

фиқ терговчи жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг ишончли аниқланиши жиноят ҳодисасига олиб келган ҳамда мазкур сабаб ва шарт-шароитларнинг қонуний натижаси бўлган ҳолатларни текшириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис терговчининг уларни бартараф этиш борасидаги асосий иши процессуал нормалар шаклини олган. Ушбу фаолият айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан яқунланадиган ишлар бўйичагина эмас, балки ЖПКнинг 83, 84-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра тугатиладиган ишлар бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Терговчи ўз тақдимномасида ишнинг моҳиятини баён қилади, яъни жиноятни, унинг оқибатларини тавсифлайди, сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитларни кўрсатади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади. Агар жиноят ишини кўриб чиқишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмаган бўлса, худди суд каби ишни қўшимча терговга қайтаришга ҳақли бўлади (ЖПК 384-м. 9-б., 396-м. 4-б.).

Бинобарин, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ЖПКнинг 82-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга жиноят иши бўйича аниқланиши ва ушбу масалани амалда ҳал қилиш исботланиши керак бўлган ҳолатларга киради.

Бошқача айтганда, ушбу ҳолатларнинг йиғиндиси процессуал исботлаш предметини ташкил этади, шу боис терговчининг бу йўналишдаги фаолияти процессуал хусусиятга эга бўлиб, ЖПКда назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

ИЛОВАЛАР

Лойиҳа



ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЮНУСОБОД ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

БУЙРУҚ

Япония давлати фуқароси Танабе Мотога нисбатан содир этилган фирибгарлик жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор гурухини тузиш тўғрисида

20176 йил 15 январь куни тахминан соат 13:00 дан 14:00гача бўлган вақт оралиғида, икки нафар номаълум шахслар ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Юнусобод тумани Амир Темур кўчаси бўйлаб Тошкент Ахборот технологиялари университетидан Хотира майдони томон пиёда ўтиб кетаётган 1977 йил 7 июлда туғилган Танабе Мотонинг ишончига кириб, унга ўзларини гўёки ички ишлар идоралари ходимлари деб таништириб, у томонидан суратга олинган Тошкент шахрининг баъзи бир жойларини суратга тушириш мумкин эмаслигини, туширилган суратларни текширишлари лозимлигини айтиб, уни оч жигар рангли номаълум давлат рақам белгиси бўлган Матиз русумли автоуловга ўтирғизиб, автоулов ичида йўл-йўлакай унга, тегишли бўлган 1000 АҚШ доллар пулини, 3.000 АҚШ долларига тенглаштирилган бошқа давлат пул бирликларини, бир дона баҳоси 800 АҚШ долларлик Айфон 4 русумли ва бир дона баҳоси 300 АҚШ долларлик Зетафон русумли телефон аппаратларини, бир дона баҳоси 200 АҚШ долларлик қора рангли кўзойнагини, бир дона баҳоси 500 АҚШ долларлик Вай-Фай модемини, бир дона баҳоси 50 АҚШ долларлик телефон аппаратларини қувватловчи манбаини, жами 30 АҚШ долларлик бош, қорин, шамоллаш, аллергияга қарши ва шунга ўхшаш дориларни, бир дона баҳоси 120 АҚШ долларлик 32 Гигабайтли SD CFRD номли флешкасини, Япония банкига тегишли бўлган Шинсей номли пластик карточкасидаги 2.000 АҚШ долларини алдаб олиб, М. Танабега жами 8.000 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказиб, уни Юнусобод тумани 6-мавзесида жойлашган иссиқ сув масканининг олдида автоуловдан тушириб қолдириб, воқеа жойидан яширинганлар.

Мазкур ҳолат юзасидан номаълум шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноятни содир этган номаълум шахсни аниқлаш, қўлга олиш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Мазкур жиноят иши бўйича малакали тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб бориш қисқа муддат ичида жиноятни фош қилиш мақсадида тергов тезкор-гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини кунлик таҳлил қилиш ва гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш, жиноят ишига алоқадор маълумотларни ўз вақтида бошқа тегишли гуруҳ аъзоларига етказилишини таъминлаш, уларнинг ҳаракатлари такрорланишининг олдини олиш мақсадида 65-сонли Ички ишлар органи таянч пунктида тезкор Штаб тузилсин.

3. Жиноятни «иссиқ изидан» фош этишда воқеа жойида олинган дастлабки тезкор маълумотларни қисқа вақт ичида текширишда асосан, криминалистик, тезкор-ҳисоб ва автоматлаштирилган маълумотлар базаси имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

4. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари томонидан ҳар кунлик амалга оширилган ишларнинг натижалари тезкор штабда муҳокама этиб борилсин;

5. Жиноятни фош этиш юзасидан ўтказилаётган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари натижалари юзасидан ҳар ўн кунда туман ИИБ бошлиғи ҳузурида муҳокама қилиб борилиши таъминлансин.

6. Мазкур жиноятни фош қилишга қаратилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг амалга оширилишида соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари юзасидан назорат олиб бориш Юнусобод туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари ва туман ИИБ бошлиғининг тергов ишлари бўйича ўринбосарларига юклатилсин.

Бошлиқ
подполковник

Ж. М. Ирматов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 январь

5-сон

Юнусобод туман
ИИБнинг 2016 йил
16 январдаги 5-сонли
буйруғига _____илова

Япония давлати фуқароси Танабе Мотога нисбатан содир этилган
фирибгарлик жиноятини фош этиш юзасидан тергов-тезкор гуруҳининг
Т А Р К И Б И

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари

Х.Х.Курбанов Юнусобод туман ИИБ Тергов
бўлими катта терговчиси, катта
лейтенант

Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари :

Х.З. Хужанов Юнусобод туман ИИБ Тергов
бўлими терговчиси, лейтенант

А. Шопўлатов Юнусобод тумани ИИБ ЖК ва
ТҚКБ УМИБ катта тезкор вакили,
майор

М. Шарипов Юнусобод тумани ИИБ ЖК ва
УЖҚКБ тезкор вакили, лейтенант

З. Маматкулов Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ МТП
профилактика инспектори, майор

Т.Д. Шарипов Юнусобод туман ИИБ ҲООБ
ОМЭББЖИЭ инспектори, сержант

В.Д. Хайдаров Юнусобод туман ИИБ ЭКБ
эксперти, майор

М.М. Расулов Юнусобод туман ИИБ ХЧК ва ФРБ
инспектори, сержант

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳар Юнусобод
тумани ИИБ бошлиғи
подполковник**

Ж.М. Ирматов

2016 йил « « январь

Тергов-тезкор гуруҳининг ИШ РЕЖАСИ

Иш тафсилоти: Ишнинг тафсилоти 2016 йил 15 январь куни тахминан соат 13:00 дан 14:00 гача бўлган вақт оралиғида икки нафар номаълум шахс ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида Юнусобод тумани Амир Темур кўчаси бўйлаб Тошкент Ахборот технологиялари университетидан Хотира майдони томон пиёда ўтиб кетаётган 1977 йил 7 июлда туғилган Танабе Мотонинг ишончига кириб, унга ўзларини гўёки ички ишлар органлари ходимлари деб таништириб, у томонидан суратга олинган Тошкент шаҳрининг баъзи жойларини суратга тушириш мумкин эмаслигини, туширилган суратларни текширишлари лозимлигини айтиб, уни давлат рақам белгиси номаълум бўлган Матиз русумли оч жигар рангли автоуловга ўтқизиб, автоулов ичида йўл-йўлакай унга тегишли бўлган 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пулини, 3.000 АҚШ долларига тенглаштирилган бошқа давлат пул бирликларини, баҳоси 800 АҚШ долларлик бир дона Айфон 4 русумли ва баҳоси 300 АҚШ долларлик бир дона Зетафон русумли телефон аппаратларини, баҳоси 200 АҚШ долларлик бир дона қора рангли кўзойнагини, бир дона баҳоси 500 АҚШ долларлик Вай-Фай модемини, баҳоси 50 АҚШ долларлик бир дона телефон аппаратларини қувватлаш манбаини, жами 30 АҚШ долларлик бош, қорин, шамоллаш, аллергияга қарши ва шунга ўхшаш дориларини, баҳоси 120 АҚШ долларлик бир дона 32 Гигабайтли SD CFRD флешкасини, Япония банкига тегишли бўлган Шинсей номли пластик карточкасидаги 2000 АҚШ долларини алдаб олиб, М.Танабега жами 8000 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказиб, уни Юнусобод тумани б-мавзесида жойлашган «Иссиқлик энегреси хизмати» корхонасининг олдида автоуловдан тушириб қолдириб, воқеа жойидан яширинганлар.

Мазкур ҳолат юзасидан номаълум шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши бўйича юзага келган тергов т у с м о л л а р и :

– ушбу жиноятни жабрланувчи М.Танабега нисбатан шахсий адовати бор шахслар содир этган бўлиши мумкин;

– ушбу жиноятни турли ҳудудлардан келган «сайёр» жиноятчилар содир этган бўлиши мумкин;

– ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган, мунтазам жиноят содир этишга мослашган шахслар содир этган бўлиши мумкин.

Юқорида илгари сурилган тезкор-тергов тусмолларини текшириб кўриш учун қуйидаги тергов ҳаракатларини амалга ошириш лозим:

Т/р	Тергов-тезкор ҳаракатлари	Муддати	Ижрочилар
1	Мазкур жиноят иши бўйича олиб бориладиган барча тезкор суриштирув ишларини амалга ошириш учун ҳамкорлик иш режасини тузиш	15.01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов
2	Мазкур жиноят иши бўйича сифатли кўздан кечириш, фото жадвалини тузиш ва чизмасини чизиш	16.01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов
3	Мазкур жиноят қачон, қаерда ва қандай шароитда содир этилганлигини аниқлаш мақсадида М.Танабени гувоҳ тариқасида сўроқ қилиб, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва унинг сўзлари асосилда фоторобот тузиш	17.01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов
4	Воқеа содир этилган жойга яқин яшовчи ва ишловчи фуқаролар орасида суриштиришлар олиб бориш, лозим топилганда фотороботлар тузиш, Юнусобод тумани ЖҚваУЖҚКБ ҳамда ҲООБ бошлиқлари номига топшириқ юбориш	18.01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов; ЖҚ ва ТҚКБ УМИБ катта тезкор вакили майор А.Шопўлатов
5	Мазкур жиноятни тезкорлик билан очиш мақсадида телефон аппарати ва техник буюмлар савдоси ҳамда таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи шахслар билан суриштирув ишлари олиб борилиб, лозим бўлганида уларни сўроқ қилиш ва фотороботлар тузиш	19.02.2016	терговчи лейтенант Х.З. Хужанов; ЖҚ ва ТҚКБ УМИБ катта тезкор вакили майор А. Шопўлатов; ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили лейтенант М.Шарипов
6	Мазкур жиноят содир этилган воқеа жойига яқин яшовчи муқаддам шунга ўхшаш жиноятлар учун судланиб чиқиб, ҳозирда озодликда юрган шахсларнинг рўйхатини олиш ва уларнинг ушбу жиноятга алоқадорлигини текшириш мақсадида Юнусобод ИИБ ЖҚваУЖҚКБга топшириқлар бериш	17.01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов; терговчи лейтенант Х.З.Хужанов
7	Мазкур жиноятни тезкорлик билан очиш юзасидан Юнусобод тумани ИИБ вояга етмаган шахслар билан ишлаш бўлими рўйхатида турувчи вояга етмаган шахслар мазкур жиноят ҳақида қандай маълумотга эга эканликларини аниқлаш	15-25. 01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов; ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили лейтенант М. Шарипов;

8	Мазкур жиноят содир этилган воқеа жойига яқин яшайдиган ёки ишлайдиган шахслар орасида жиноят содир этилишини кўрган ёки билан шахсларни аниқлаш мақсадида, улар ўртасида суриштирув ишлари олиб бориш, ижобий натижалар бўлган тақдирда уларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш	24-28. 01.2016	ҲООБ Профилактика инспектори майор З.Маматкулов
9	Мазкур жиноятни тезкорлик билан очиш юзасидан Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисмига қонунбузарлик содир этганликда гумон қилиниб, олиб келинган турли шахслар ўртасида мазкур жиноят ҳақида қандай маълумотга эга эканликларини аниқлаш мақсадида суриштирув ишлари олиб борилиб, ижобий натижалар бўлган тақдирда уларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш	20-26. 01.2016	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов; терговчи лейтенант Х.З.Хужанов; ЖҚ ва ТҚҚБ УМИБ катта тезкор вакили майор А.Шопўлатов
10	Мазкур жиноятни тезкорлик билан очиш мақсадида қонунда кўрсатилган бошқа суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш	2016 йил 01-02.	катта терговчи катта лейтенант Х.Х. Курбанов; терговчи лейтенант Х.З. Хужанов; ЖҚ ва ТҚҚБ УМИБ катта тезкор вакили майор А. Шопўлатов; ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили, лейтенант М.Шарипов; ҲООБ Профилактика инспектори майор З. Маматкулов

Мазкур ҳамкорлик иш режасига дастлабки тергов давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Тошкент шаҳар Юнусобод
тумани ИИБ катта терговчиси

Х.Х. Курбанов

«КЕЛИШИЛГАН»

Юнусобод тумани ИИБ
бошлиғининг ўринбосари
подполковник

М.А. Саттаров

Юнусобод тумани ИИБ
ЖҚ ва ТҚҚБ бошлиғи майор

О.Р. Ўктамов

Юнусобод тумани ИИБ
ҲООБ бошлиғи капитан

М.Ш. Мирзаев

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДА АРИЗА ЁКИ ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
1-§. Фирибгарлик ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ва расмийлаштириш хусусиятлари.....	5
2-§. Фирибгарлик жиноятлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш хусусиятлари	8
2-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ	22
1-§. Фирибгарлик жиноятининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва уни квалификация қилиш қоидалари.....	22
2-§. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи	31
3-боб. ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЧИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ	
1-§. Фирибгарлик жиноятини очиш учун тергов-тезкор гуруҳи ташкил этиш, унинг фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш.....	36
2-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида терговчининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги	40
3-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида тезкор ходимнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги	50
4-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида профилактика инспекторининг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги	55
5-§. Тергов-тезкор гуруҳи таркибида мутахассис-криминалистнинг вазифалари ва бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги	56
4-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
1-§. Терговчининг фирибгарлик жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларини ўтказишдаги вазифалари	58
2-§. Тезкор ходимнинг фирибгарлик жинояти фош этилганидан кейин бошқа жиноий шериклар ва эпизодларни аниқлаш бўйича вазифалари.....	61
3-§. Фирибгарлик жинояти бўйича тайинланадиган экспертизалар ва экспертлар олдига қўйиладиган саволлар.....	63
4-§. Терговчининг фирибгарлик жиноят иши бўйича дастлабки терговни яқунловчи босқичидаги вазифалари	69

**5-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР
ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ
ВА БАРТАРАФ ЭТИШ**

1-§. Фирибгарлик жиноятларининг сабаб ва шароитлари	82
2-§. Фирибгарлик жиноятларнинг олдини олиш хусусиятлари	87
3-§. Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш борасидаги вазифалари	88
4-§. Фирибгарлик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш ва унинг ижросини ташкиллаштириш	92
ИЛОВАЛАР	94

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЧИШ,
ТЕРГОВ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ**

АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир С.А. Раззақов
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга 2017 йил рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табағи **6,0**.
Адади нусха. Буюртма ...

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68